



БЮРОКРАТИЯ ВА ҚОҒОЗБОЗЛИК



ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ
ҚОНУН ҲИМОЯСИДА



«ҲАР БИР ТОНГНИ УМИД БИЛАН
ҚАРШИ ОЛАРДИ»



БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА
ИШЛАШ ЗАВОДИНИНГ
ҚУДРАТИ ЯНАДА ОШАДИ



№ 18
2021-йил, 12-май
Chorshanba (32.660)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-йил 21-iyundan chiqq boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

O'zbekiston OVOZI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ МОДДИЙ ТАЪМИНОТИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали тизимини шакллантириш, Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга фаол қатнашадиган қарияларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган фахрийларнинг моддий таъминотини янада кучайтириш мақсадида:

1. 2021 йил 10 майдан бошлаб 1941–1945 йиллардаги уруш ноғиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган соғиб маҳбустлари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда – 2,5 миллион сўм этиб белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларга ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 11 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда маънавий қадриятларимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, буюк аجدодларимизнинг бой илмий-маърифий меросида улуғланган, халқимиз томонидан асрлар давомида эъзозлаб келинаётган инсонпарварлик, шукроналик, бағрикенглик, меҳр-оқибат ва саховат туйғуларини кучайтириш ҳамда муборак Рамазон ҳайитини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2021 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 13 май – пайшанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, мамлакатимизда 2021 йил 13 май Рамазон ҳайити байрами сифатида нишонлансин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 майдиги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги "2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги ПФ-6122-сон Фармонида ўзгаришлар қилиш тўғрисида"ги ПФ-6222-сон Фармон билан 2021 йил 14-15 май кунлари қўшимча дам олиш кунлари сифатида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ҳайитининг карантин талабларига мувофиқ, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтказилиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 10 май

ҚАҲРАМОНЛАР ХОТИРАСИ ҲАМИША БАРҲАЁТ

1941 йилда республикаимиз аҳолиси 6 миллион 800 мингдан зиёд кишини ташкил этарди. Уруш бошланиши билан қарийб 2 миллион юртдошимиз фронтга отланди. ҲАР БИРИ ТОМ МАЪНОДА ҚАҲРАМОН БЎЛГАН БУ АЗИЗ ИНСОНЛАРНИНГ 500 МИНГДАН ЗИЁДИ ШАҒҚАТСИЗ ЖАНГЛАРДА ҲАЛОК БЎЛДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ АНА ШУНДАЙ ОҒИР ТАЛАФОТЛАР КЎРИБ, БУЮК ҒАЛАБАГА БЕҚИЁС ҲИССА ҚЎШДИ. БУ ҲАҚИҚАТНИ 200 МИНГДАН ЗИЁД АСКАР ВА ОФИЦЕРЛАРИМИЗ ЖАНГОВАР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАР БИЛАН МУКОФОТЛАНГАНИ ҲАМ ЯҚҚОЛ ИСБОТЛАЙДИ. ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИНГ 301 НАФАРИ СОВЕТ ИТТИҒОҚИ ҚАҲРАМОНИ ДЕГАН ЮКСАК УНВОНГА, 70 НАФАРДАН ОРТИҒИ УЧАЛА ДАРАЖАДАГИ "СЛАВА" ОРДЕНИГА САЗОВОР БЎЛГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМ.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Аслида "Олтин қалам" миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танлов оммавий ахборот соҳаси ходимларини ўз ичига яна бир қарра теран назар ташлаш, сарҳисоб этиш, изланишдан, олға интилишдан чарчамасликка даъват этаётгани билан ҳар жиҳатдан аҳамиятлидир. Шу маънода пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида журналистика соҳасидаги "Олтин қалам" XV миллий мукофоти ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ушбу миллий мукофот ғолиблари сафида газетамизнинг бўлим мудири Равшанбой Шодиевнинг ҳам борлиги бизни қувонтирди, албатта.

Таниқли журналист Равшанбой Шодиев рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинацияларда Инсон ҳуқуқлари мавзусидаги энг яхши материал учун миллий мукофотга сазовар бўлди.

Ҳамкасбимизни бундайин юксак мукофот билан муборакбод этамиз ва унга янада улкан ижодий муваффақиятлар тилаймиз.



Тахририят жамоаси

БУРЧ ВА ҚАРЗДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Барча даражадаги депутатлар ўз вазифасини аниқ белгилаб олиши керак бўлади.

Биринчидан, уруш ва меҳнат фахрийлари манфаатларини ҳимоя қилувчи яна қандай асослар яратилишига эҳтиёж бор?

Иккинчидан, Иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига солган даҳшатли кулфатлардан хулоса чиқарган ҳолда, дунёдаги мураккаб вазиятда мамлакатимизда тинчликни асраш, қон тўкилишига йўл қўймаслик, миллатлараро, давлатлараро дўстлик ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш учун парламент етарли даражада ваколат ва имкониятга эга. Ҳамма гап ундан қандай фойдаланишда, албатта.

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари бугунги куннинг долзарб масалалари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.



Дилбар
Мамаджанова,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси
депутати.

Инсон хотира билан тирик, кадр билан улғу. Афсуски, Иккинчи жаҳон урушида қатнашган кишилар тобора камайиб бормоқда. Уларни қанча қадрласак, ҳурмат бажо келтирсак, эъзозласак шунча кам. Давлатимиз раҳбари 9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан Ғалаба боғида ташкил этилган тантанали маросимда иштирок этиб, Ватан озодлиги, ҳозирги тинч-омон кунлар учун жанг майдонларида ҳалок бўлган ота-боболаримиз, фронт ортда фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизнинг муқаддас хотирасини ёд этиб, ҳурмат бажо келтирилганликларини фахрийларимизга бўлган чексиз ҳурматнинг амалий ифодасидир.

Юртбошимизнинг "Орадан яна қанча йиллар, асрлар ўтмасин, сизларнинг фашизмга қарши кўрсатган матонатингизни халқимиз ҳамиша қалбида, хотирасида сақлайди, бу жасорат ёшларимиз учун абадий ибрат намунаси бўлиб қолади" деган фикрлари замирида Ватанимиз тинчлиги, юртимиз фаровонлиги йўлида курашган ота-бобларимиз босиб ўтган оғир йўллар кўз олдимизда гавдаланади. Ёшларнинг навқирон чоғларини уруш оловларида, жангтоҳларда ўтказиб, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимиз учун курашган инсонлар жасорати беқиёсдир. Ана шу воқеалар, кечган оғир кунлар ёди бугун нафақат уруш қатнашчиларининг, балки бутун авлодлар хотирасидан ҳали ҳамон ўчгани йўқ.



Ойбарчин
АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси
депутати.

Урушдан жабр кўрган 1 миллион 500 мингдан ортиқ кексалар, аёллар ва болалар республикаимизга кўчириб келтирилган бўлиб, уларнинг 200 мингдан зиёди ота-онасидан айрилган етим болалар эди. Меҳмондўст, сажий халқимиз уларни фарзандликка олиб, бир бурда нонини бирга баҳам кўрган.

Шу ўринда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жангтоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, йимони бутун юртдошларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланди. Ўтган йили Президентимизнинг қарори билан Ғалаба боғи ташкил этилганлиги, бугунги кунда ёдгорлик мажмуасини ҳарбий тарихимиз, уруш ва меҳнат фронти қатнашчилари жасоратини урганиш бўйича илмий марказга айлантириш ҳаракати бошлангани алоҳида эътирофга лойиқ. Бу ёшларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, аждодларнинг энг яхши анъаналаридан фахрланиш, уларга муносиб ворислар бўлиш руҳида тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлади, албатта.

Шерзод
РАҲМОНОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси
депутати.



Табиатга азалдан Она табиат деб таъриф беришди. Бу аниқ ҳақиқат. Чунки табиат инсоният учун ҳаёт манбаидир.

Юртбошимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳри яқинида барпо этилаётган Бог, Ҳаракатлар стратегиясининг беш тамойилига андоза мисолдир.

Мухташам боққа "Янги Ўзбекистон" деб ном беришни тақлиф этганлари ҳам давлатимиз раҳбарининг Янги Ўзбекистон ривожига қанчалик жиддий эътибор бераётганликларидан далolat беради.

Кўни кеча Президентимиз бог худудига ташриф буурди, илк кўнчалар ўтказди.

Дунёдаги машҳур паркларнинг ландшафти, қулайликлари ўрганилиб, шу асосда ишлаб чиқилган бог лойиҳасида даракхўр, бута ва гуллардан иборат ўзига хос дендропарк бўлиши кўзда тутилган. Пойтахтимиз экологиясига катта таъсир кўрсатадиган бу "яшил худуд" маҳаллий аҳоли, қопаверса, юртимизга ташриф буорувчи сайёҳларнинг сеvimли масканига айланиши шубҳасиз.

Эл-юртимиз мудҳиш уруш йилларида ўзининг юксак гуманистик фазилатларини намоён этди. Ўзбекистонга олиб келинган турли миллатга мансуб минг-минглаб инсонларга бошпана берди, меҳр-шафқат, одамийлик кўрсатиб, энг сўнгги нонини ҳам улар билан баҳам кўрди. “Тошкент – нон шаҳри”, “Ўзбекистон – меҳр мамлакати” эканини амалда яна бир бор исботлади.

МУНОСАБАТ

БУРЧ ВА ҚАРЗДОРЛИК ТУЙҒУСИ



Сафар ОСТОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

Ҳаммамиз бир ҳақиқатнинг гувоҳи бўлдик. Янги Ўзбекистоннинг байрамлари ҳам янгича ўтмоқда. Янгича ёндашув, янги ташаббус ва гоёларга бойлиги, мазмунан одамлар қалбига яқинлиги, самимийлиги, ҳаётийлиги билан эътиборга муносиб бўлди, барчани ҳаяжонга солди...

Уруш ва тинчлик ҳақида халқимизнинг жасорати, матонати, бағрикенглиги, меҳр-оқибати ҳақида бир ҳужжатли фильм намойиш этилгандек, бир асар ўқигандек таассурот қолдирди. Барчамиз ҳаяжон билан кутганимиз – Президентнинг табрик нутқида Иккинчи жаҳон урушида халқимиз кўрсатган жасорат, қаҳрамонликлар тўғрисида янги маълумотлар келтирилгани, мутлақо янги фикрлар ва гоёлар билдирилгани барчамизни бирдек тўлқинлантирди. Уруш ва тинчлик ҳақида чуқурроқ ўйлашга даъват этди, фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабага халқимиз муносиб ҳисса қўшгани ҳар биримизга яна бир бор фахр-ифтихор, гурур бағишлади.

Президент нутқи кишини кўп масалалар устида ўйлашга, хулосалар чиқариб олишга ўндайди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон аҳолиси 6 миллиондан кўпроқ бўлган, унинг учдан бир қисми фронтга отлангани айtilди. Шу ўринда тарихий ҳақиқат янада ойдинлашиши учун айрим масалаларга аниқлик киритиш зарурати борга ўхшайди.

Биринчидан, ўша 6 миллиондан ортиқ аҳолидан неча фоизи қизлар ва аёллар бўлган, 30 ёшга етган йигитлар сони қанча эди? Кексалар, ногиронлар-чи? Бу саволларга жавоб топиладиган, жанг қилишга қобилиятли барча йигитлар урушга сафарбар қилингани, улар қаторида қанча хотин-қизлар фронтга кетгани ҳам маълум бўлади. Лекин фронт ортақдирларини ҳам урушда қатнашмаган, деб бўлмайди.

9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

ЧЕКСИЗ ҚУВОНЧ, ЧЕКСИЗ ИЗТИРОБ БИЛАН...

Ғалаба боғидаги амфитеатрда 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари Хотира ва қадрлаш кунини ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 76 йиллиги билан барча фахрийларини, бутун халқимизни табриклади.

«Бугунги шонли санани биз доимо чексиз қувонч ва чеқсиз изтироб билан нишонлаймиз... Сиз, мўтабар фахрийларимизнинг бекиёс мардлик ва матонатингиз инсоният тарихига абадий ўчмайдиган, буюк саҳифа бўлиб ёзилганини чуқур миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Улғу ва табаррук ёшларга етиб, бугун орамизда соғ-саломат, дуоғўй бўлиб юрган уруш ва меҳнат фронтининг барча жангчиларига, яна бир бор юксак меҳр ва ҳурматимизни изҳор этиб, уларнинг барчаларига чин юракдан ташаккур айтаемиз», – деди Президентимиз.

Тадбир телевидение орқали тўғридан-тўғри намойиш қилинди. Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги байрам иштирокчилари, нурунийлар билан видеоалоқа орқали мулоқот қилди.

Шавкат Мирзиёев тадбирга келган уруш ва меҳнат фахрийлари билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўради. Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилади. Кексалар мамлакатимизга тинчлик-осойишталик, халқимизга фаровонлик тилаб дуолар қилди.

Президент нурунийлар билан бирга байрамга бағишланган концерт дастурини томоша қилди.

«УРУШНИ ЭСЛАГИМ КЕЛМАЙДИ»

Аббос ота Аппанов,
97 ёш, Тошкент шахридан:

— Бугун Ғалаба боғида 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган байрам тадбирига Давлат раҳбари ташриф буюриб, тадбирда биз, уруш фахрийларини яна бир бор табриклаб, «Биз



— бугунги миннатдор авлодлар сизлар каби жасур оталаримиз билан умрбод фахрланамиз. Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда, сизларнинг жанг майдонларидаги буюк қаҳрамонлик кўрсатганингиз, урушдан кейин мамлакатни тиклаш ва ривожлантириш йўлида қилган фидокорона хизматларингиз учун, барчамиз бош эгиб таъзим қиламиз, — деб таъкидлади. Бундай сўзларни эшитиб, тўлқинланиб кетдим. Кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшилгандай бўлди.

Аслида, яқинда 97 ёшга кирганимни нишонладим. Аллоҳга шукр, шунча умр берди. Қанча ғалаба байрамларини кўрдим. Аммо мени чуқур ўйга толдирадиган, афсуслантирадиган жиҳати, жуда кўп дўстларимга бу кунларни кўриш nasib қилмади, яъни Президентимиз томонидан биз каби уруш фахрийларини доимо эъзозлаши ҳамда соғ-саломат юришимизда барча шарт-шароитлар яратиб берилганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Шундай фаровон юрда яшаётганим боис, урушни эслагим келмайди. Фар-

Ўзбекистоннинг уруш йилларидаги болалари ҳаёти, уларнинг фронт учун қилган меҳнатлари ҳам ўрганилмаган мавзу. Қурол-яроғ, ўқдори ишлаб чиқариладиган станокка бўйи етмаган ўсмирларнинг оёғи тагига қўтилар ёки иккита гишт қўйиб берилган. Ўсмирлар ўсмирликдан маҳрум этилган, бу болаларнинг қўллари эрта қаварган, бу болалар тез катта бўлган...

Уруш болаларининг кўплари бугун орамизда, уларнинг хотиралари кўплаб воқеаларга, уруш ҳақиқатларига, халқимизнинг матонат ва қаҳрамонлигига янада ойдинлик киритади.

Президент табригида қўйилган янги вазифалар ижроси урушга боғлиқ кўплаб воқеаларни аниқлаштиришга асос бўлади. Масалан, ўзбек оналаридан бири — Зулфия Зокирова уруш сабабли беш

Ўзимизда ва бошқа давлатлардаги ҳужжатларни ўрганиш давом этади, албатта. Аммо баъзи масалаларда вақтимиз ниҳоятда тақчиллиги, ҳар бир кун ғаниматлигини ҳам билишимиз керак. Хусусан, ҳар бир ҳудудда уруш қатнашчилари хотираларини имкон қадар кўпроқ ёзиб олиш бизга жуда муҳим ахборотлар беради.

навқирон фарзандидан ажралгани чексиз алам, армон, изтиробдир. Аммо яқинда ёлғиз ўғлидан ажралган оиланинг ҳам кўнгли хувуллаб, қадди бўкилиб қолган-ку?.. Ёки тўйи бўлганига беш-ўн кун ўтиб, турмуш ўртоғини фронтга қўзатиб, юм-юм йилга қолган келинчақ қора хат келганда ишонмай “У ўлмаган, барибир қайтди”, деган ишонч билан, садоқат билан бир умр яшаган аёллар қисмати-чи?.. Садоқат рамзи бўлган бу ҳаёли, ибодли, гурурли аёллар образлари экранларда, асарларда ҳамон кўнгилдагидек яратилганча йўқ.

Кейинги йилларда ўтганларни хотирлаб, бугун ёнимизда бўлган уруш ва меҳнат фахрийларига давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни қўриб, билиб туришимиз. Бундай эътибордан гоятда мамнунликлари уларнинг ўзлари ҳам миннатдорлик айтишмоқда.

биров билиб, биров билмаган сирларини ҳам ўзлари билан бирга олиб кетишди. Бугун эса бундан афсусдамиз. Айни чоғда бугунги кунларга етиб келган уруш қатнашчилари, меҳнат фронти иштирокчилари хотираларини ёзиб олишга, видеолавҳаларга муҳрлашга шўшилишимиз лозим. Шубҳасиз, келажақ учун бу хотиралар бебаҳо аҳамиятга эга бўлади.

Инсоният бошига чеқсиз, чегарасиз кулфат солган, миллионлаб инсонларнинг ёстиғини қуритган Иккинчи жаҳон уруши тафсилотларини кейинги авлод билиши шарт. Бу дахшати урушда ўзбек жангчилари кўрсатган жасорат ва қаҳрамонликлари, ўзбек халқининг фидойилиги, матонатини билиш, ёдда тутиш ёш авлоднинг мардлик, ватанпарварлик руҳида, ота-боболар жасоратига садоқат руҳида тарбиялаш учун ҳам керак.

насиб этганидан жуда хурсандман. Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин! Биз, фахрийларга кўрсатилаётган ғамхўрликлардан бошимиз кўкка етмоқда.

«УРУШДА МУДҲИШ ВОҚЕАЛАР КЎП БЎЛАРДИ»

Пирназар ота Турдиев,
101 ёшда:

— 1920 йилда туғилганман. 21 ёшимда урушга кетдим. Аниқроқ айтганда бўлсам, 1941 йилда урушга кетгач, 1946 йил, яъни 5 йилдан сўнг уйга қайтиб келдим. Ўша йилларда Украина, Берлин ва бошқа жойлардаги мурасоси жангларда иштирок этдим. Уруш мудҳиш воқеалар кўп бўларди. Бугун гаплашиб, дардлашиб, сирлашиб юрган сафдошингни эртага кўрмаслигиндан ортиқроқ фожиа бўлмас эди. Уруш дахшати халқларни бир-бирига қарши қилиб қўйиш билан бирга, иқтисодий парокандалик ва оқарчиликни келтириб чиқаради. Тилагим, бугун ер юзиде тинчлик бўлиб, ёшларимиз ҳеч қачон уруш кўрмасин.

Байрам тадбирини Президентимиз «Биз – бугунги миннатдор авлодлар сизлар каби жасур оталаримиз билан умрбод фахрланамиз», деб айтди.

Бугунги байрам тадбирларидан жуда руҳландим. Давлатимиз, халқимиз ғамхўрлиги билан дориларимон кунларни кўриш nasib этди. Ҳозир Давлатимиз раҳбари ёшларни кўп ўқишга, илмий бўлишга даъват қилаётти. Билимни инсонлар ҳисобида тинчлигимиз мустаҳкам, ҳаётимиз фаровон бўлади.

Хулоса ўрнида шунга айтиш мумкинки, уруш фожияларидан сабоқ чиқариб, тинчлик учун курашиш бугун ҳар қачондиган ҳам долзарб бўлиб борапти. Ўзбекистон ўз стратегиясига мувофиқ, тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва динлараро тотувлиқни асраш, давлат мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлидан боради ва ҳар қандай эъдиёт, қарама-қаршиликларни фақат ва фақат тинчлик йўли билан ҳал этиш тарафдор. Ватан ва халқ озодлиги, келгуси авлодларнинг бахту саодати йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган инсонлар хотираси ҳаммиса барҳаёт яшайди.

“Ўзбекистон овози” муҳбири
Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.

ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ



МЕҲРИБОН МУРАББИЙ, ТАНИҚЛИ ОЛИМ ЭДИ...

Ўзбекистонда физика фани ривожига муносиб ҳисса қўшган, кўплаб юқори малакали мутахассислар тарбиялаб етиштирган, ўз илмий-тадқиқотлари билан дунёга танилган олим, халқаро миқёсда эътироф этилган оптика илмий мактабининг етук вакили, Самарқанд давлат университети физика факультети оптика кафедраси профессори, физика-математика фанлари доктори марҳум Фарид Тухватуллин хотирлаш менда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

Фарид Тухватуллин 1954-1959 йилларда Самарқанд давлат университети физика факультетини тахсил олади. Физика фанига бўлган қизиқиши ва илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланишга бўлган ҳавас уни Санкт-Петербург давлат университетининг аспирантурасига етказди. Фарид Тухватуллин бу даргоҳда илмий-тадқиқот ишларини машҳур профессорлар Е. Гросс ва М. Вукс раҳбарлигида олиб боради.

1965 йилда физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ишини ҳимоя қилади.

1965 йилдан Фарид Тухватуллин ўзининг илмий-тадқиқот ишларини Самарқанд давлат университети физика факультети оптика ва спектроскопия кафедраси, молекуляр спектроскопия муаммолари лабораториясида академик Акбар Отаҳўжаев раҳбарлигида давом эттирди. Илмий-тадқиқот ишларининг асосий йўналиши суюқликлар физикаси, конденсирланган муҳитлар спектроскопияси муаммоларига бағишланади.

Фарид Тухватуллин 1980-1985 йилларда СамДУ физика факультети декани лавозиминида фаолият кўрсатиб, олий таълим ривожига муносиб ҳисса қўшади.

Фарид Тухватуллин ўзининг илмий-тадқиқот ишлари натижалари асосида 1990 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. 1991 йилда домла оптика ва спектроскопия кафедраси mudiri лавозимига сайланади.

Устоз 50 йилдан ортиқ вақт давомида талабаларга оптика, суюқликлар физикаси, атом ва молекуляр спектроскопия каби фанлардан маърузалар ўқиди ва амалий машғулотларни олиб борди. Юзлаб бакалавр ва магистрантларнинг малакавий битирув ишлари ҳамда магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилди.

Фарид Тухватуллин ўзининг илмий-педагогик фаолияти давомида 3 нафар фан доктори, 20 та яқин фан номзодлари тайёрлади. Домланинг 300 дан ортиқ мақолалари республикамиз ва халқаро журналларда чоп этилган. 8 та ўқув ва услубий қўлланмалари ҳамда 3 та монографияси (Спектральное распределение интенсивности в крыле линии рассеяния жидкостей и растворов, «Фан», 1981; Динамика молекул в жидкостях, «Фан», 2009; Структура молекулярных агрегатов в жидкостях и их проявления в спектрах комбинационного рассеяния, «Фан», 2014) бугунги кунда ҳам ёш физиклар учун том маънода дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Таниқли олим АҚШ, Польша, Болгария, Россия, Украина, Қозғоғистон, Тожикистон ва республикамизда ўтказилган халқаро конференцияларда иштирок этиб, Самарқанд оптика илмий мактаби ютуқларини бутун дунёга намойиш қилди.

Фарид Тухватуллинга юкс бўлган бир муҳим фазилят биз, шогирдлар учун доимо сабоқ вазифасини ўтайди. Домла ёшларга жуда меҳрибон эди. Истеъдодларни қадрларди. Илмий иш билан шуғуллланаётган тадқиқотчиларга мунтазам маънавий кўмак берад, улардан вақтини билимини, меҳрини аямасди.

Афсуски, бешафқат ўлим 2014 йилнинг 26 апрель кунини домлани орамиздан олиб кетди. Жонқуяр олим, меҳрибон устоз, катта инсон Фарид Тухватуллиннинг ёрқин хотираси қалбларимизда абадий сақланади.

Аҳмад АББАСОВ,
Самарқанд давлат университети
физика факультети декани, доцент.

МУРОЖААТНОМА

2021 йили 30 та янги мактаб қуриш, 320 та мактабни таъмирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан 2 триллион сўм ажратилади.

ХДП МУНОСАБАТ БИЛДИРАДИ

ИНТЕРНЕТ ЙЎҚ ЖОЙДА “ОНЛАЙН ТАЪЛИМГА ЎТИЛДИ”, ДЕЙИШ

ЎЗИМИЗНИ, БОЛАЛАРНИ АЛДАШ БИЛАН БАРОБАР

Коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазият дунёнинг ақсариёт давлатларида ҳамон мураккаб бўлиб турибди. Пандемиянинг учинчи тўлиқни айрим мамлакатларда тизгиндан чиқиб кетган бўлса, бошқа давлатларда катта хавотирларга сабаб бўлмоқда. Бунинг устига, коронавируснинг мутацияга учраётгани, унинг янги, жумладан, болалар ҳаёти учун хавфли турининг пайдо бўлгани ташвишлидир.

Мамлакатимизда қўрилган қатъий чоралар тўғрисида пандемияни жийовламоқдамиз. Бошқа давлатларга қийинлашганда қўрилган талафот у қадар катта бўлмади. Бироқ кейинги пайтда коронавирус тарқалиши яна хавотирли тус олди, касаллик билан зарарланиш ҳолатлари кўпайди. Шу сабабли, жорий йил 18 апрелдан карантин қоидалари янада қучайтирилди. Жумладан, махсус комиссия қарори билан боғча ва мактабларда касалланган ҳолати аниқланган тақдирда уларнинг фаолияти зудлик билан тўхтатилиши ҳамда икки ҳафтага карантинга олиниши, бу вақт мобайнида улар онлайн тартибда фаолият юритиши белгилан кўйилди.

Самарқанд шаҳридаги 26 та мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчилари орасида коронавирус инфекциясини юқтириш ҳолатлари аниқланганини сабабли ушбу мактабларда болаларга таълим бериш 27 апрелдан онлайн тартибга ўтказилди. Ўқув жараёни масофавий шаклга ўтказилган ҳар бир мактаб биноси тўлиқ дезинфекция қилиниб, 14 кундан сўнг, яъни ўқитувчи ва ўқувчилардан олинати-

ган тиббий тест натижаларига қараб офлайн ўқиш тизимига қайтилади. Бу, албатта, мавжуд эпидемиологик вазиятдан келиб чиққан, инфекция тарқалиши авж олиб кетмаслиги учун қўрилган чорадир. Буни ҳаммамиз тўғридан турибмиз.

Бироқ масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Дарсларни онлайн тартибда ўтказиш учун шароит яратилганми? Мактаблар, қишлоқлар юқори тезликдаги интернет билан таъминланганми?..

Расмий манбаларда халқ таълими тизимидagi 9114 та (91%) умумтаълим мактаби юқори тезликдаги оптик толали интернет тармоғига улангани, 4715 та умумтаълим муассасаси ички локал тармоқ ускуналари, Wi-Fi қўрилмалари билан таъминлангани қайд этилган. Бироқ депутатлар томонидан ҳудудларда назорат-таҳлил тартибда умумтаълим мактабларида ахборот коммуникация технологиялари жорий этилишининг аҳоли ўрганилганда реал ҳолат юқорида келтирилган рақамлардан анча узокдалиги маълум бўлди.

Мобиль интернет тезлиги ва нархи бўйича ҳам муаммолар оз эмас. Бу ҳақда жуда кўп гапирилган, аммо қишлоқ жойларида муаммо муаммолигича қолиб кетмоқда. Энди ўйлаб кўрайлик, шундай шароитда онлайн тартибда дарс ўтиб бўладими?..

Ҳақиқатни айтадиган бўлсак, пандемия кўплаб камчиликларимиз, заиф томонларимизни руй-рост кўрсатиб қўйди. Хулоса чиқаришга туртки берди. Жумладан ўтган йили коронавирус пандемияси сабабли таълим тизими илк марта оммавий равишда онлайн тартибга ўтказилган таълим муассасаларини ахборот коммуникациялари билан таъминлаш соҳасидаги ҳақиқий ах-

Депутатлар томонидан ҳудудларда назорат-таҳлил тартибда умумтаълим мактабларида ахборот коммуникация технологиялари жорий этилишининг аҳоли ўрганилганда реал ҳолат юқорида келтирилган рақамлардан анча узокдалиги маълум бўлди.

вол юзага чиқди.

Бизнингча, мактаблар тўлиқ ахборот коммуникация технологиялари билан таъминланиши, жумладан, оптик толали интернет тармоғига улалишининг ҳақиқий ҳолати ўрганилиши, камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳукумат доирасида чора-тадбирлар қўрилиши керак. Бундай қўламдаги ишни муайян бир вазирлик ёки маҳаллий ҳокимиятлар кучи билан амалга ошириб бўлмайди.

Фарзандларимиз таълим-тарбияси билан боғлиқ ташкилий ишларни орқага суриш кейинчалик жуда қимматга тушиши мумкин. “Масофадан ўқишга ўтказилсин”, деб қарор чиқариш осон, айти пайтда масофадан ўқишга шароит яратиш ҳақида ҳукуматда аниқ режа бўлиши зарур.

Интернет, ахборот замонида сифатли, арзон интернетсиз нафақат таълим тизимида, балки бошқа соҳаларда ҳам тараққиётга эришиб бўлмайди.

МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИГА РИОЯ ҚИЛМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР

24 апрель куни яна бир бахтсиз ҳодиса хабари кенг тарқалди. Наманган вилояти прокуратураси ахборот хизмати хабарига кўра, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли уйларга канализация тармоғини тортиш учун “траншея” қовлаш ишлари олиб борилаётган вақтда, тупроқ қатламнинг ўрилиб кетиши натижасида ер сатҳидан 4,5 метр пастликдаги траншея ичида ишлаётган икки нафар ёлланма ишчи тупроқ остида қолиб, ҳодиса жойида вафот этишган.

Олиб боришган терговга қадар текширув натижасида қурилиши тугалланмаган кўп қаватли турар жой объектлари қурилиши ва канализация тармоғи тортиш ишлари Наманган шаҳрида фаолият олиб боровчи “Azizbek Avtogaz Servis” МЧЖ томонидан амалга оширилаётганлиги, жамиятга турар жой объектларини қуриш учун Наманган шаҳар ҳокимининг 20.06.2018 йилдаги 913-сонли қарорига асосан рухсат берилганлиги, бироқ канализация тармоғи тортиш учун ер участкасида қазиб ишларини амалга оширишга шаҳар ҳокимининг тегишли рухсатномаси олинмаганлиги аниқланган.

Энг аввало, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вафот этган юртдошларимизнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

Икки инсоннинг ўлими учун ким жавоб беради? Қачонча меҳнат хавфсизлиги масалаларига кўз юмилди?

Ақсарият ташкилотларда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш тизими қониқарли

йўлга қўйилмаган. Айниқса, қурилиш соҳасида меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланишини таъминлашга доир талабларга кўп ҳолларда риоя этилмайди. Меҳнатни муҳофаза қилишга масъул ташкилотлар эса бино қулаб тушса ёки кимдир вафот этсагина ҳаракатга тушиб қолади. Шунда ҳам фақат муносабат билдириш, ахборот бериш билангина чекланиб қолмоқда. Бундай фожеалар тақдорланмаслиги учун, барча соҳаларда, айниқса, қурилиш соҳасида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига эътибор ва жавобгарлиқни ошириш вақти келди.

Ушбу нохуш ҳодиса юзасидан ишчи ходимларга тегишли меҳнат шароитлари ва меҳнат хавфсизлигини таъминламаган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда қатъий жавобгарликка тортилиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазасига масъуллар келгусида бу каби ҳолатлар содир бўлишининг олдини олиши, хавфсизлик чораларини қучайтириш масалаларига масъулият билан ёндашишлари, ўз лавозим мажбуриятларини сидқидилдан бажаришларини сўраймиз.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг меҳнат муҳофазасига масъул тузилмаси фаолияти тубдан қайта қўриб чиқирилиши зарур.

Халқ демократик партияси Ахборот хизмати.

Халқ саломатлиги бевосита мамлакат тараққиётга таъсир қилувчи муҳим омиллардан биридир. Яшаш, сўзлаш, эркин фикр билдириш ва таълим олиш каби биринчи галдаги ҳуқуқлари сирасига кирувчи бу йўналишдаги қонунчилик нормалари тақомиллаштириб боришмоқда. Аҳоли саломатлигини асраш, хусусан, оналар ва болалар соғлигини ҳимоя қилиш масаласи давлатимиз раҳбарининг ҳамшиша эътиборида. Турли видеоселектор йиғилишларида соғлиқни сақлаш тизимида алоҳида тўхталиб, соҳага танқидий таҳлилий нуқтаи-назардан баҳо берилади. Тиббиётга қараш керак, тиббиётда ислоҳот қилиш керак, деган фикрларни бот-бот такрорлайди.



БЮРОКРАТИЯ ВА ҚОҒОЗБОЗЛИК

Хусусан, ўтган йили Президент селекторида бирламчи тез тиббий ёрдам ҳамда кадрлар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинган эди. Ўтган вақт давомида билдирилган фикрлар асосида қандай ишлар амалга оширилди? Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси, Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Максуд Ворисов билан шу ҳақда суҳбат қилдик.

— Партияимиз дастурий қосадлари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани сизга маълум. Демак, Президентимиз илгари сураётган тақлифлар бевосита уларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, ёшлар, қариялар, ногиронлиги бўлган шахслар, умуман эҳтиёжманд кишиларни ўйлаб айтилган, деб биламан. Асосийси, аниқ вазифа қўйилди.

Тан олиш керакки, йиллар давомида тиббиётга етарли эътибор берилмагани натижасида бу тизим анча издан чиқиб қолди. У бугунги кун талабига тўла жавоб берибди. Тўғри, шаҳарларда тизим ривожланди, хусусий сектор анча кенгайди. Ақсуски, қишлоқлар ҳақида бу гапни айта олмаيمиз. Шундан келиб чиқиб, давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ва дори-дармонлар пакетини ҳисоблаб чиқиш зарур, деган аниқ вазифа белгиланди. Бундан ташқари, бирламчи тиббий тизим, яъни поликлиникалар, қишлоқ оилавий поликлиникалари, шифокорлик пунктлари тизимлари ривожланиши учун қатор тақлифлар

Бюрократиянинг қучлилиги ёш мутахассислар бу соҳадан беэиб кетишига сабаб бўлди. Инсон йиллар давомида врач бўламан, мутахассис бўламан, деб ўқийди. Лекин қишлоққа қайтиб боргач, унга ёлғиз ўзининг кун қўриши учун етмайдиган ҳақ тўланса, албатта бошқа йўналишга ўтиб кетади.

билдирилди. Бундан мақсад, ҳар бир фуқаро ўзи яшайдиган маҳалла ҳудудини етарлича тиббий ёрдам олиши ва шаҳар марказларига боришга мажбур бўлмаслигини таъминлашдан иборат. Лекин, партияимиз фракцияси фикрича, қўйилган бу жуда тўғри талаблар тўлиқ бажарилмапти.

— Айнан қайси йўналишлар экани ҳақида кенароқ тушунча берсангиз.

— Яна ҳам очикроқ айтадиган бўлсам, 2020 йил ноябрь ойида қабул қилинган Президент

фармонида кўра, бирламчи бўғинда мутлоқ янги-ча тизимни яратиш вазифаси қўйилган. Юқорида таъкидлаганимиз, қуйи босқичдаги тиббиёт масканларида аҳоли ўзи учун керакли ёрдамни тўлалигича олишини таъминлаш назарда тутилган. Фақатгина маълум бир қисми, айтилаик, бирор манзилда юқори технологияли ёрдам кўрсатишига имкон бўлмаган тақдирда вилоят марказига ёки пойтахтга келишга зарурат бўлиши мумкин. Айнан ушбу вазибаларнинг ижроси тўлиқ бажарилмаган, деб ҳисоблаймиз.

Саббаби, фармонда фақат 26 туманда тажриба тариқасида хатлов ўтказилиши белгиланган эди. Аммо бутун республикада бу амалиёт қўллангани ва мазкур масалада Соғлиқни сақлаш вазирлигидан чиққан буйруқлар бир-бирини инкор этувчи мазмунда бўлди. Натижада патронаж ҳамширалар қайта-қайта ҳонадонма-ҳонадон юришга мажбур бўлган жараёни юзага келтирди.

Яқинда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бирламчи тизимдаги врачлар штатлари рўйхати қисқартирилишига гувоҳ бўлдик. Давлат дастурининг 83-84-бандларида аёллар, 5 ёшгача бўлган болалар, эндокрин ёки онкологик хасталикларга дучор бўлган беморларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш аниқ топшириқ қилиб берилган эди. Энди тасаввур қилинг, марказий ёки оилавий поликлиникада бундай мутахассиснинг иш ўрни умуман бўлмаса, бу ёрдамни ким кўрсатади?

Шунингдек, болалар невропатологи, кардиолог, ЛОР врачлари, умуман, тор доирадаги айнан болалар мутахассисларига иш ўрни ажратилмаган. Чақалоқ дунёга келгач, икки ойда уни албатта невропатолог кўригидан ўтказилиши ва уни эмлаш ҳақида қарор берилиши керак. Ёш болалар невропатолог бўлмаса, уларни қандай эмлаш мумкин? Маълум бир ёш муддатларида эса бола барча тор мутахассис кўригидан ўтиб, унда агар бирор бир касаллик ёки мейёрдан чекиниш ҳолатлари бўлса, дарҳол унинг олди олиниши зарур. Бундан кўриб берадиган, ташхис қўядиган мутахассис бўлмаса, ушбу жараён қандай амалга оширилади?

Ҳудди шундай — ҳомиладорлар ҳам доимий назоратда бўлиши талаб этилади. Биз кўрган жадвалда эса, акушер-гинеколог учун бир ставка штат ажратилган. Амалдаги мейёрга кўра, иш соати 6 соат этиб белгиланган. Демак, 8:00 дан 14:00 гача у қабулда бўлади. Кейин эса хона қўлланади. Бундан кимга фойда-ю кимга зарар, деган савол туғилади.

Агар биз аҳоли саломатлигини сақлашни истасак, уларга яқин жойда барча мутахассислар кўриги ва даволаниши билан таъминлаб бериш шарт. Акс ҳолда, қўзланган натижага эришиб бўлмайди.

Халқ демократик партияси Давлат дастури-нинг биринчи чоракда бажарилишини таъминлаш борасида ҳукумат ҳисоботини эшитганда ҳам ана шу масалани кўтарди. Яқин кунларда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг эшитувини ташкил қиламиз.

— Ана шундай кадрлар жойларда етишмаслигига сабабини қандай изохлайсиз?

— Ҳар соҳада белгиланган мансаб вазибалари бўлади. Сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизимига доир буйруқларнинг кетма-кет чиқарилиши, мутахассисларга улар доир бўлган бўлмаган вазифаларнинг юклатилиши, қоғозбозликнинг қўзғилиши каби омиллар кадрлар сонини камайишига олиб келди. Айниқса, бюрократиянинг қучлилиги ёш мутахассислар бу соҳадан беэиб кетишига сабаб бўлди. Инсон йиллар давомида врач бўламан, мутахассис бўламан, деб ўқийди. Лекин қишлоққа қайтиб боргач, унга ёлғиз ўзининг кун қўриши учун етмайдиган ҳақ тўланса, албатта бошқа йўналишга ўтиб кетади. Ваҳоланки, 8-9 йил давомида у фуқаро оила кўради, бир-икки нафар фарзанд кўради. Демак, у оилага ҳам манфаат келтириши лозим. Бунинг имконини қилолмагач, хусусий секторда ёки дорилар рекламасида ишлашга мажбур бўлади.

Демак, биз ҳолатни яхшилаш учун мана шу соҳада тажрибали мутахассислар билан бамаслаҳат иш тутишимиз талаб этилади. Шунингдек, буйруқбозлик, қоғозбозликни камайтириш орқали ёш мутахассис меҳрини ошириш мумкин. Ана шунда 9 йил давомида умид билан тиббиётни ўрганган инсон халқга фойда келтиради.

“Ўзбекистон овози” мухбири Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ЁШЛАР БИЛАН БИРГА ҚУРАМИЗ!

Ёшлар ҳар бир давлатнинг келажигини, салоҳиятини белгилловчи етакчи куч ҳисобланади. Шундай экан замонавий билим ва кўникмаларга эга, дунёқараши кенг, масъулиятни ўз зиммасига оладиган, интилувчан ёшларни тарбиялаш кун тартибидagi энг муҳим ҳамда кечиктириб бўлмаз вазифаларидан биридир.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 18 миллиондан ошди. Бу аҳолиимизнинг 55 фоизини ташкил этади дегани. Улар қанчалик билимли, серғайрат, фаол фуқаролик позициясига эга ватанпарвар бўлиб камолга етса, Янги Ўзбекистонни қуришга шу қадар қармарбаста бўлади. Шундан келиб чиқиб, Халқ демократик партияси ёшлар билан ишлашга, уларнинг манфаатини қатъий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хусусан, давлатимиз томонидан олиб борилаётган ёшларга оид сиёсатнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, партияимиз мамлакатимизда ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, ижтимоий онг даражасини юксалтиришга астойдил ҳаракат қилиб келмоқда. Улар билан елкама-елка туриб, муаммоларини ҳал этиш учун ҳаракат қилимоқда. Партияимиз ташаббус билан ушбу амалий ишларни давом эттирган ҳолда фаол ёшларимиз, партияимизнинг Ёшлар парламенти аъзолари ва жойлардаги депутатларимиз билан ҳамкорликда меҳнат бозоридagi талабни ўрганиш ва аниқланган мутахассисларга бўйича ёшларимизни устоз-шогирд аъъаниси асосида касб-хунарга ўргатиш бўйича қатор амалий ишлар олиб борилади.

Фикримизни вилоятимиз мисолида давом эттирадиган бўлсак, бугунги кунда Тошкент вилоятидаги партиядошларимизнинг 12686 нафарини ёшлар ташкил этади. Биз парламентдаги фракцияимиз аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан биргаликда ҳудудларга чиқиб, уйма-уй юриб, аҳоли, хусусан ёшларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш ишларида ёш аъзоларимизнинг фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Таҳлилларнинг кўрсатишича, жойларда йигит-қизларимизни бандлик, иш бошлаш учун кредит олиш масаласидаги муаммолар қийнамоқда.

Ёшларимиз орасида янги, бунёдкор го-ялар билан яшавган йигит-қизларимиз жуда кўп. Уларнинг бизнес бошлашга иштиёқи ниҳоятда баланд, ўз ишини йўлга қўйиш борасидаги фикрларида замонавийлик, ҳозирги давр талаблари билан мутаносиб-лик бор. Фақат уларни қўллаб-қувватлаш керак, ўз ишини бошлаши учун ёнида ту-риш лозим.

Маълумки, партияимиз Марказий Кенгаши ташаббуси билан ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, касб-хунарга ўргатиш мақсадида “Ёшларга кўмак” лойиҳаси доира-сида қатор амалий тадбирлар ўтказилмоқда. Лойиҳа доирасида биз ҳудудлардаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектлари фао-лияти билан танишиб, ишсиз ёшларга ҳуна-р ўргатиш, уларни шогирдликка олиш бўйича иш бевуечилар билан суҳбат ўтказялмиз. Айрим тадбиркорлар бу тақлифни қўллаб-қувватла-шини билдириб, ёшлар ҳуна-р ва иш ўрганиш учун қабул қилинмоқда.

Масалан, Ангренда ўтказган тадбиримиз давомида Орифжон Йўлдошев, Мавлуда Қо-дировага тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун амалий ёрдам кўрсатилганди. Яқинда ўтказилган ана шундай тадбиримиз давомида Мавлуда Қодирова фаолиятини кенгайтириш-га ҳаракат қилаётганини, шу мақсадда банкка кредит сўраб қилган мурожаати сансалор-ликка солинаётганини маълум қилди. Ишчи гуруҳ вақили шу жойнинг ўзида “Микрокре-дитбанк”нинг ҳудудий бўлими мутасаддис билан телефон орқали боғланиб, кредит аж-ратилишига эришилди. Муаммоси ҳал бўлган тадбиркор янги иш ўринлари ташкил этиб, ҳудуддаги ишсиз хотин-қизларни ишга қабул қилишини билдириди.

Умуман олганда, бу каби амалий ишлари-миз жуда кўп. Энг муҳими, биз ёшлар билан ҳамфирқ, ҳамқадам бўлялмиз, уларнинг ора-сига кириб бораемиз. Самимий суҳбатлар, очик мулоқотлар давомида йигит-қизларимиз-нинг муаммоларини ўрганишга, депутатла-римиз, ҳамкор ташкилотлар кўмагида уларни ҳал этиямиз. Мақсадимиз — йигит-қизлари-мизга яқиндан туриб кўмаклашиш, уларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш-дан иборат.

Ёшлар манфаатини ҳимоя қилишга қара-тилган ташаббусларни қўлайитириш, уларни ўйлантираётган муаммоларнинг мақбул ечи-мларини топишда партияимиздан сайланган “Ёшлар парламенти” аъзолари билан ҳамкор-лигини режалаштирдик. Ҳозир янги лойиҳалар, амалий тадбирлар устида ишлялмиз.

Элёр ХОЛХОДЖАЕВ, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши бўлим бошлиғи.

МУРОЖААТНОМА

Хукумат томонидан Жаҳон банки билан биргаликда бошланган қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш дастурини кенгайтириш учун қўшимча 100 миллион доллар йўналтирилади.

ПРЕСС-ТУР

ИЧКИ ИШЛАР АКАДЕМИЯСИДА

ЗАМОНАВИЙ, МУСТАҚИЛ ФИКРЛАЙДИГАН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА



бошлаб кундузги таълим шаклига қабул асосан Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари, ҳарбий академик лицейлар би-тирувчилари, шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари ҳамда профилактика инспекторларининг ёрдамчилари таркибидан амалга оширилмоқда. Курсантлар 7 та мутахассисликлар бўйича таълим олади.

Ички ишлар вазирлиги академиясига республика оммавий ахборот воситалари ходимлари ва блогерлар иштирокида пресс-тур ташкил этилди. Пресс-тур давомида журналистлар таълим муассасаси фаолияти билан яқиндан танишди. Умумий майдони 48 гектарни ташкил этувчи академия ҳовлиси арчалар билан қопланган. Йўлакларнинг четиди экилган арчалар ёзнинг жазирмасида ҳам соя-салқин бўлади. Академиянинг замонавий қиёфаси, инновацион технологиялар билан жиҳозланган аудиториялар, назарий ва амалий машғулот ўтказиш хоналари, маънавият ва матрифат масканлари, спорт комплексида яратилган шарт-шароитлар, ходимлар ва тингловчи-курсантлар учун яратилган имкониятлар ҳақида пресс-тур иштирокчиларига маълумот берилди.

Барча ётоқхоналар тўлиқ таъмир-дан чиқарилган бўлиб, 600 ўринли қизлар ётоқхонаси янгидан барпо этилган. Муассасада 2 минг китоб фондига эга ахборот ресурс хонаси, маиший хизмат хонаси, ҳордиқ чиқариш хонаси мавжуд. Академия ошхонасида бир вақтнинг ўзида 2 минг курсант овқатланиши мумкин. Ошхона замонавий қурилишга эга бўлиб, санитария-гигиена талаб-ларига жавоб беради. Пресс-тур давомида журналистлар замонавий ўқув хоналари, спорт ва машғулот зали, сузиш ҳавзаси, маънавият ва матрифат маркази, академия му-зейи билан ҳам танишди. Ахборот-ресурс маркази бир вақтнинг ўзида 1000 кишига хизмат кўрсатади. 100 ўринли 2 та ўқув зали, 150 ўринга эга 3 та электрон зал, 200 ўринли катта анжуманлар зали мавжуд.

— Академиянинг умумий май-дони 48 гектарни ташкил этади, — дей-ди Академия бошлиғи ўринбосари,

полковник Алишер Абдуллаев. — Ҳар куни эрталаб 8:00 да 2000 нафар курсант ўшбу саф майдонида давлат мадҳиясини ўзлари жонли ижро этади. Шундан сўнг курсантлар гуруҳларга бўлиниб дарсга қиради. Таълим даргоҳи-да ҳар бири 150 ўринга мўлжалланган 9 та маъруза зали, мутахассисликлари бўйича кафедраларнинг ўқув-методик хоналари, курсантлар олган назарий билимларини амалий машғулотларда мустақамлаши учун сўроқ қилиш мах-сус тергов хонаси мавжуд. Жараён эк-ранда кузатилиб борилади ва курсант-лар аниқланган камчилик ва хато-ларни бартараф этиш устида бош қотиради.

Ички ишлар вазирлиги академияси 1994 йил 2 сентябрда ташкил этилган бўлиб, ўтган йиллар мобайнида бу мас-кан ҳуқуқчи муҳофазаси қилувчи орган-лар учун етук малакали кадрлар тайёр-ловчи олий таълим муассасаларидан бирига айланган. Академияда таълим кундузги ва сиртки йўналишида амалга оширилади. 2020/2021 ўқув йилидан

“CONTACT” МАРКАЗИ НИМА БЕРАДИ?

ИННОВАЦИОН ЎҚУВ МАРКАЗИ-ЧИ?..

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”ида банк фаолиятининг барча йўналишларида янгича ёндашувлар ҳаётга татбиқ этилиб, мижозлар учун замонавий ва барча қулайликларга эга масофавий банк хизматлари кўрсатиш кўлами тизимли равишда кенгайиб бормоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, Банк бошқарувининг 2020 йил 29 январдаги қарори асосида банкда “Инновацион ўқув маркази” янгидан ташкил этилди.

Ўшбу марказ томонидан бүгунги кунда малака ошириш курслари Вебинар, Мустақил “Moodle” тизими ҳамда анъанавий шаклларда ўтказиб келинмоқда. Хусусан, биргина апрель ойининг ўзига 56 та мавзуда шундай шаклдаги машғул-отлар ўтказилди. Уларда жами 1094 та ходим иштирок этди. Ўз навбатида, инновацион ўқув телеграм канали орқали ходимлар учун 38 та, мижозларни ўқитиш йўналишида 33 та мавзу жойлаштирилди. Ўшбу материаллар 1338 нафар ходим ва 5387 та мижоз томонидан фойдаланил-ган. Журналистларнинг “Contact” маркази ҳамда Инновацион ўқув маркази фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида оммавий ахбо-рот воситалари ходимларига навбатдаги пресс-тур ташкил этилди.

Пресс-тур давомида Президентимизнинг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжаллан-ган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони-га мувофиқ мамлакатимизда бир қатор банклар трансформация қилиниши кўзда тутилгани боис, акциядорлик тижорат “Қишлоқ қурилиш банк”ида бу борада амалга оширилаётган ислохотлар бўйича журналистларга атрофлича маълумот берилди.

7-12 апрель кунлари “Қишлоқ қурилиш банк” тизимида “Испом дарчаси”ни ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда амалиётга жорий этилиши назарда тутилган испом молия маҳсулотлари” мавзусида вебинар ташкил этилди. Унда жами 92 нафар ходим қатнашди. Шунинг-дек, ой давомида банк хизматлари истеъмолчи-лари билан ўзаро муносабатларда қонунийликка риоя этиш ва банклар томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар, банк мижозларига хизмат кўрсатиш стандартларининг мазмун-моҳияти ва талаблари тўғрисида ҳамда “Ташки савдо ва ички валюта бозоридида операциялар тўғрисида”ги мавзу-ларда вебинарлар ўтказилди. Ўшбу мавзулар бўйича 687 нафар ходим замонавий билимларга эга бўлди.


Ўз навбатида, хорижий ҳамкорлар билан биргаликда ҳам машғулотлар ташкил этилмоқда. Апрель ойи давомида 3 та ана шундай форма-даги вебинарлар ташкил этилиб, уларда банкнинг 24 нафар ходими иштирок этди.

Ходимлар малакасини оширишда пандемия талабларидан келиб чиқиб, Мустақил “Moodle” тизими ишга туширилган. Ўшбу тизимга бүгунги кунга қадар банк фаолиятига беvosита тегишли 15 та маънавий-маърифий ва иктимой мавзу-лар, шунингдек, 4 та чет тили ва IT ўқув курсла-рига тегишли мавзулар жойлаштирилди.

Ўшбу инновацион ўқув марказ 2 бўлим, яъни ўқув услубий ҳамда ўқиш жараёнини техник қў-лаб-қуватлаш рақамли лаборатория бўлимидан иборат.

Ўқув услубий бўлимнинг асосий вазифалари, яъни банк ходимларини ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, ўқув дастурлари сифати ва самардорлигини баҳолаб бориш, ўқув жараёнига коучер усулини киритиш, банк мижозларининг молиявий саводхонлигини ошириш дастурларини мониторинг қилиб бориш-дан иборатдир.

Бундан ташқари, ўқиш жараёнини техник қў-лаб-қуватлаш рақамли лаборатория бўлимида эса, ўқув жараёнларини рақамли технологиялар



асосида ривожлантириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, “Blended learning”, “Flipped classroom”, “Spin-off” технологияларини амалга кенг жорий қилиш ҳам-да ходимларни илгор хорижий таъриба (Moodle дастури) асосида ўқитиш тизимини йўлга қўйиш билан шуғулланади.

Умуман олганда, ўқув маркази банк мутахас-синининг замонавий билим ва қўнимчаларини текзорлик билан ўзлаштиришлари учун зарур бўлган барча шароитларга эга.

Яқинда ташкил этилган “Contact” марказининг асосий вазифаси эса овозли ва электрон алоқа каналлари орқали мижозлардан тушадиган му-рожаатларни қабул қилиш, ўрганиш, белгилан-ган тартибда ижро этиш, банк маҳсулотлари ва хизматлари тўғрисида маълумот тақдим этиш, овозли ва электрон алоқа каналлари орқали юқори сифатли ва ишончли маълумот тақдим этиш билан потенциал мижозларни жалб қилиш,

уларнинг банк хизматларига бўлган қизиқишини шакллантириш ҳамда банк маҳсулотларини бе-восита тарғиб қилишга қаратилган тадбирларни ўтказишдан иборат.

Марказ мижозларнинг қўнғироқлари, электрон мурожаатлари бўйича статистик ҳисоботларни юритиш билан бирга, банкнинг потенциал ми-жозлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, банк маҳсулотлари ва хизматла-рининг фолл сотувини амалга ошириш, телеком-муникациялар (телемаркетинг) дан фойдаланган ҳолда истиқболли мижозларни жалб қилиш каби функцияларни ҳам бажаради.

Пресс-тур давомида иккита марказ бўйича ҳам алоҳида тақдимотлар ўтказилиб, журналист-ларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.



ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Миллий матбуот марказида Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонун қабул қилинганлигининг 25 йиллиги» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан та-комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 11 сентябрдаги фармони-га асосан, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ҳамда давлат органла-ри ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаш-тиришни амалга оширувчи ваколатли давлат органи ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузури-да Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ташкил этилди. Фармонга биноан, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш, аҳолининг истеъмолчилик билими ва савод-хонлигини оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, истеъмолчи-ларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш, тадбиркорлик ва ис-теъмолчилик маданиятини тақомиллаштириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, реклама бозорини тартибга со-лиш ва бошқа вазифалар юқлатилган. 2019 йил 19 декабрдаги 1015-сонли қарори ҳамда бошқа ҳужжатларда белгиланган топшириқ ва вазифа-лардан келиб чиққан ҳолда, 2021 йилнинг 1-чораги давомида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилган. Ўшбу муҳим давомида ис-теъмолчилар ўз ҳуқуқлари бузилиши юзасидан Агентликка 8012 та шикоят билан мурожаат қилган. Мурожаатларни қўриб чиқиш ва ўтқа-зилган ўрганишларда 2,1 миллиондан ортиқ ис-теъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги ҳамда уларга 93,0 миллион сўм миқдоридagi зарар етказилганлиги аниқланган. Мурожаатларнинг 54% уй-жой коммунал, транспорт хизматлари, 19 фоизи савдо, 12 фоизи алоқа, молия ва иктимой хизматлар, 14 фоизи бошқа маса-лаларга тўғри келди.

— Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили ва 15 март — Бутунжаҳон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кунига бағишлаб республика ҳу-дудларидаги 141 та мактаб ва олий таълим муассасаларида 11,5 минг нафар ёшлар учун “Истеъмолчи рақамли маконда”, “Оқилонга истеъмол” мавзуларида тақдимот тадбирла-ри ўтказилди. Тадбирлар тафсилотлари 280 марта ОАВ да эълон қилинди, — дейди Ис-теъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агент-лиги бошқарма бошлиғи Фаррух Мадаминов. — Ички бозорларда сифатсиз ва хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарлар сотилишини аниқлаш мақсадида ўтган йилдан бошлаб товарлар назорат хараидини ўтказиш ва уларни лабораторияларда текшириш йўлга қўйилган. Аҳоли ва кенг жамоатчиликни товар-лар сифати ва хавфсизлиги тўғрисида доимий равишда хабардор қилиб бориш мақсадида жо-рий йилнинг январь ойидан бошлаб «Тошкент» телеканалда «Сифат назорати» телекурсу-тини ташкил қилинди. Бугунги кунга қадар 15 турдаги маҳсулотлар назорат хараиди амалга оширилди ҳамда уларнинг экспертиза натижалари батаф-сил ёритиб боришмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражасининг ҳолати қониқар-лиги юзасидан 4,5 минг нафар иштирокчи ўртасида иктимой сўровнома ўтказилди. Натижалар бўйича Соғлиқни сақлаш вазирли-га киритиш учун тахлил қилинган истеъмолчилар ва тақдирлар таъйинланмоқда. Истеъмолчилар ҳу-қуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши юзасидан 117 та субъектга иш қўзғатилиб, қонунбузилиш ҳолат-ларини тугатиш ва келгусида тақорламаслик юзасидан кўрсатмалар берилган.

Анжуман аяқунда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Жамшид АМИРОВ,
ЎЗЖОКУ таъбаеси.

Тошкент шаҳридаги 2-республика тиббиёт коллежи томонидан 2018 йилда Темирова Дилнозахон Бахтиёржон қизи номига берилган К № 0334901 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент давлат юридик институт қошидаги академик лицей томонидан 2011 йилда Бўрихўжаев Камолхўжа Жалоқхўжа ўғли номига берилган L №120787 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

МУРОЖААТНОМА

Мухтож аҳолини протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш бўйича янги тизим жорий этилади. Бу имкониятдан қарийб 50 минг нафар юртдошимиз фойдаланиши мумкин бўлади.

ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ

«ҲАР БИР ТОНГНИ УМИД БИЛАН ҚАРШИ ОЛАРДИ»



Ўзбек адабиётининг таниқли намояндаларидан бири бўлмиш академик Вохид Абдулло ўз ҳаёти ва ижоди давомида ўзбек, тожик, форс, араб тилларида ёзилган қадимий кўлемли тасвирий адабиётнинг тарихига янгиликлар қўшди. Алишер Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ қилиб, адабиётшунослик фанини янада бойитди.

Самарқанднинг рўйи замин сайқали, деб аталган беҳиз эмас, албатта. Чунки, бу шаҳри азиямда фан, маданият, санъат ва адабиётни юксак даражада ривожлантирган буюк даҳлар, улуг алломалар, йирик мутафаккирлар, шоир ва ёзувчилар яшаб ижод этганлар. Вохид Абдулло ҳам Самарқанднинг ана шундай фидойиларидан бўлиб, унинг шухратига-шухрат қўшган, фани ва маданиятга сайқал берган буюк олимлардан эди. У Самарқанд давлат университетининг ректори лавозимида ишлаган йилларида (1963-1970) илмий ва бадиий ижод билан бирга моҳир ташкилотчилик фаолиятини ҳам намойён қилди. Республикада ва бошқа давлатлар илмий ва адабий жамоатчилиги билан муштахкам алоқа боғлади. Вохид Абдулло машҳур рус шарқшунослари Е.Э.Бертельс, И.С.Брагинский, А.Н.Болдерева, таниқли Озарбайжон олимлари Ҳамид Орасли, Файзулла Қосимзода, Жаъфар Хандон, Бобожон Ниязмухаммедов, атоқли туркман олими Боймуҳаммад Карриев ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларига ҳурмат билан қарарди. Самарқандда ўтказиладиган кўпжа илмий анжуманларнинг ташкилотчиси бўлар, ижодий кечаларда ва устоз хонадонидида уюштирилган меҳмондорчиликларда давраининг фаизи бўларди. Республикадаги кўзга кўринган олим ва адиблари — Ғафур Ғулом, Ҳамид Сулаймон, Вохид Зоҳидов, Натан Маллаев, Азиз Қайюмов, Ботурхон Валижўаев, Нуриддин Шукров, Юсуф

Пардаев ва бошқалар кўпинча домланинг атрофида бўлардилар.

Устоз доимо одамларнинг диққат марказида эди, оташин ва сермазмун нутқи, ширин муомаласи билан барчанинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўларди. Умирида бировага миннат қилмаган, ёмонлиқни раво қўрмаган беозор одам эди у. Бир умр эзгулик ва гўзаллик шайдоси бўлган серзавқ олим, айниқса, шогирдларининг ютуқларидан хурсанд бўларди. Ҳар бир шогирдининг илмий иши ва туриш-турушидан, хатти-ҳаракатидан хабардор бўлиб, уларга оталарча меҳрибонлик кўрсатар эди.

Ҳар қандай олийгоҳ раҳбари ҳам қимматли вақтини сарф қилиб, кечкурун аспирантлар ётоқхонасига бориб суҳбат қўравермайди. Вохид Абдулло эса эринмасдан талабалар, аспирантлар манзилгоҳига атайин келиб, улар билан мулоқотда бўлар, йиғилишларда ёшларга яратилган шароитлар, талабалар ётоқхонасидида камчилик-нуқсонларни ўзи санаб бериб, уларни бартараф этишни талаб қиларди.

Вохид Абдуллонинг йўлида талабалар учраб қолса, биринчи бўлиб ўзи қўл узатар, латифа айтиб, уларнинг кайфиятини кўтарарди. Кўча-кўйда салом беришса, алик олиб: «Ҳа, тулпор!» деб кўяр, соғлиги ва ўқишларини суриштирар эди.

Олим 1941 йил — ўзбек маърифатпарвар шоири, улуг мутафаккир Алишер Навоий тававаллудининг 500 йиллик юбилейи арафасида Самарқанд университети илмий кенгашида «Алишер Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти ва адабий фаолияти» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Президиумда ўтирган машҳур ёзувчи Садриддин Айний, профессор Абдурахмон Саъдий ва бошқалар ўша даврда жуда муҳим ҳисобланган ушбу мавзунинг жасорат билан кўтариб чиққан ёш олимни кўллаб-қувватлашди.

Ҳимоя муваффақиятли ўтганидан кейин ўша пайтда университет ректори Азиз Валиев ахтиёркорлик билан сўз бошлади.

— Вохиджон, қачондан бўён Алишер Навоийни «реакцион шахс» деб қоралаб келишарди, сиз уни даладаги бугдой бошогиди пуф-пуфлаб, тозалалаб қўлга олиб беришарди, мушакка бўйсин! Энди университетимизни Алишер Навоий номи билан аташимизга кенг йўл очилди, — дея хитоб қилди. Залда аста-секин, кейин гулдурас қарсақлар янгради. Ректорнинг ана шу тақдирдан сўнг университет Алишер Навоий номи билан аталганидан бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида, 1942 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон делегацияси Ғарбий фронтга 32 вагон ширин-шаккар мева олиб борадиган бўлди. Улар сафидида Вохид Абдулло, Ғафур Ғуломлар билан бирга бошқа ёзувчи-олимлар ҳам бўлган. Делегация аъзолари



фронтда жангчилар билан учрашган пайтда Вохид Абдулло, Ғафур Ғуломлар суҳбат асосида шеър тўкиб, наватбама-нават катта ашула айтиб, даврани қиздирганлар. Ғафур Ғулом Вохид Абдуллонинг ҳозиржавоблигига тан бериб, уни «Самарқанд Фирдавсийи» деб атаган. Олим эса бунга жавобан академик шoirни «Ўзбекистон Румийси» дея улуғлаган.

Вохид Абдулло Бибихоним мадрасаси ёнидаги ота-боболаридан мерос қолган ҳовлида яшаб турган пайтда бу табаррук маскан ака-ука Мусо ва Иброҳим Мўминовлар, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Озод Шарофидинов, Шароф Рашидов, Қодиржон Имомов, Жўра Аҳмаджонов, шоир Ҳабиб Юсуфий, Исмомил Акрам ва бошқа машҳур ижодкорлар билан гавжум бўлган, ҳовлидан меҳмон аримаган. Хонадонда доимо турли ижодий учрашувлар, мушоиралар уюштирилар эди.

1964-65 йилларида Самарқандда ўтказилган қозоқ санъати ва адабиёти декадаси кунлари кўпчилиги шоир фузалолар Вохид Абдуллонинг уйига келишарди. Улар орасида ёзувчи М.Шеввердин, академик шоир Ғафур Ғулом ҳам бор эди. Суҳбат айна қизган пайтда Ғафур Ғулом қизишиб кетиб, М.Шеввердинга: «Сизларнинг Иван Грозний қанчалик жаллод-қонқур бўлса ҳам, уни мактаб роман-песалар ёздирларини. Менинг машҳур саркарда, соҳибқирон бобом Амир Темур Кўрагонни эса фақат қаллақесар, деб қорайласизлар!», — дея оқшан-очик айтганига бир ўй одам гувоҳ бўлган. Ўша замонларда ҳеч ким бундай масалани юрак ютиб, бунчалик кескин қўймасди. Замонлар ўтиб, юртимиз мустақил бўлди, ҳақиқат қарор толиб, буюк соҳибқирон бобомизнинг шухрати, қилган савоб ишлари дунёга таралди, Ғафур Ғуломнинг ораси рўёбга чиқди.

Академик Б.Ғафуров 1972 йили шундай ёзган эди: «Вохид Абдуллони олим десак, олим, шоир десак шоир, деҳқон десак, деҳқондир. Унинг қайси хислатларини олимга, моҳиятида зукколик ва теранлик намоён бўлади». Олим

шаънига айтилган шу каби кўнгил изҳорларини С.Айний, Х.Орасли (Боку), Ф.Қосимзода (Боку), Е.Э.Бертельс (Москва), М.Хидиров (Ашхобод), Бечка (Чехословакия шарқшуноси) ва бошқалар ҳам ёзиб қолдиришган.

1950 йилларнинг бошида Вохид Абдулло бир қанча олимлар ва Самарқанд вилоят раҳбарлари билан Нурота тумани ҳудудидаги тарихий жойларни биргаликда айланиб чиқишарди. Вохид Абдуллонинг саёҳатда Искандар Зулқарнайн отлик аскарлари ўтган қадимий йўлларда тошларга ўйилган ёзувларни ва қадимги араб алифбосида «Оқопсой» даҳасида ёзиб қолдирилган сузларни ўқиб, уларнинг маъносини талқин қилиши атрофдаги олим ва раҳбарларни пол қолдиради. Бу унинг кенг қамровли олим эканлигидан, форс, араб ва бошқа кўп халқларнинг она тили ва адабиётини чуқур билишини далолат беради.

Вохид Абдулло ҳақиқатга тик боқар, ҳар бир тонгни умид билан қарши олар эди. У илмда янгилик яратиш, оз бўлса-да янги сўз айтиш хоҳиши билан тинмай изланарди, меҳнат қиларди ва шогирдларидан ҳам шунини талаб қиларди.

Улуг олим, серзавқ шоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Вохид Абдулло Самарқанд мафтуни эди. У она шаҳрини жон дилидан севар, ардоқлар эди. У жаҳон кезиб, ҳамиша она юрти Ўзбекистонни, сеvimли Самарқанди-фирдавсмонандни улуғлар эди. Она Ватанининг бекиёс азизлигини, уни севиб ардоқлаш кераклигини, Ватан, унинг равнақи учун жон куйдириш лозимлигини қайта-қайта тақдорларди.

Ёш авлодди Ватанга меҳр-муҳаббат, миллий қадриятларимизни эъзозлаш руҳида тарбиялашда, Вохид Абдулло тимсоли бундан кейин ҳам узоқ йиллар ибрат ва тарбия мактаби бўлиб хизмат қилади. Бу эса доғимизда олимнинг руҳи доимо барҳайтигидан далолатдир.

Бахтиёр ШАРИПОВ,
журналист.



Умаров Амирсайдхўжа

ЖАСОРАТ ВА МАТОНАТИНГИЗ ДОИМ ҚАЛБИМИЗДА

Иккинчи жаҳон урушида кўп миллатли Ўзбекистон халқи жанг майдонларида ва фронт ортида улкан жасорат ва матонат кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшди. Урушда қатнашган 158 мингдан ортиқ ватандошимиз бедарак йўқолди.



Умаров Шамсхўжа

Уруш йилларида халқимиз томонидан амалга оширилган буюк ишларни, уларнинг қаҳрамонлигини, аниқроқ айтганда, ўша давр ҳақиқатини келгуси авлодларга ҳаётий мисоллар асосида етказиш уларни она-Ватанимизга ватанпарварлик ва жасорат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Фашизмга қарши жангларда қатнашган юртдошларимизнинг номларини абадийлаштириш, ёш авлодни мардлик, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш жуда муҳим. Тошкент вилояти Зангиота туманининг Ўртаовул МФЙда истиқомат қилган Умаровлар оиласидан 1941-1945 йилларда 3 та ўғил урушга кетган. Улар Норхўжа, Шамсхўжа ва Амирсайдхўжа Умаровлар эди. Ўғиллардан 2 таси, яъни Норхўжа ва Шамсхўжа Умаровлар фронтда бедарак йўқолди. Уларнинг бедарак йўқолганлиги ҳақида қора хат келган. Фақатгина Амирсайдхўжа Умаров отир ярадор бўлиб урушдан қайтган. Бир оиладан 3 нафар фарзанднинг урушга кетиши ва улардан 2 нафарининг беда-



Умаров Норхўжа

рак йўқолиши жуда ҳам отир мусибат бўлди.

Уларнинг номлари хотира китобига киритилди. Бедарак йўқолган Норхўжа Умаровнинг турмуш ўртоғи Хусни Умарова ундан ёдрор бўлиб қолган бир ёшли ўғли Рамазонни, Шамсхўжа Умаровнинг турмуш ўртоғи Парогат Умарова бир ёшли ўғлини бошқа турмушга чиқмасдан тарбиялаб воёга етказди. Рамазон Умарович Норхўжаев Ўзбекистон телевидениесига тамаил тоши қўйган инсонлардан бўлиб, узоқ йиллар шу даргоҳда катта муҳаррир сифатида фаолият кўрсатган.

Ҳозирги вақтда Умаровлар сулоласида 8 ўғил, 3 та қиз ва юз нафардан ортиқ невара, аваралар бор. Бу сулопадан фан докторлари, профессорлар, етук педагог ва малакали мутахассислар етишиб чиққан. Иккинчи жаҳон урушида бугунги фаровон ҳаёт учун ўз жонини берган инсонлар жасорати ҳеч қачон унутилмайди.

Файзулла НОРХУДЖАЕВ,
техника фанлари доктори, профессор,
Н.Умаровнинг набираси.

«УРУШДАН СОҒ-ОМОН ҚАЙТГАННИ — КАТТА БАХТ»



Тахририятда ишлаб ўтирган эдим, телефон жингиллади.

— Мен Миршук Миргазмовман, отам Миршук Иккинчи жаҳон урушида Ленинград фронтда жанг қилган. Урушдан кейин мактабда дабс берган, «Қизил Ўзбекистон» газетасида муҳбир бўлиб ишлаган. Хотира ва қадрлаш кунига отам ҳақида бирорта мақола тайёрлаш бўйича тахририят қабулхонасига мурожаат қилувдим, сизни тавсия этишди...

Миршук Миргазмов Ибн Сино номидидаги 1-тиббиёт бирлашмаси стационарида даволанаётган экан. Ўша ёққа боришга тўғри келди.

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихида юз йиллар, асрлар давомида битиши қийин бўлган беҳисоб қурбонликлар, йўқотишлар, азобу уқубатлар, жароҳатлар қолдирди. Миллионлаб инсонлар, аёллар, болалар, норасида гўдаклар бешафқат уруш, умидсизлик ва илжасизлик исканжасида бевақт нобуд бўлди.

Уруш бошланганида эндигина уйланган Миршукнинг ҳали чилласи чиқмаган эди. Қисқа муддатли ҳарбий тайёргарликдан кейин уни Ленинград фронтга, зенит-артиллерия полкига сафарбар қилишди. 1941 йилнинг июль-сентябрь ойларида куч жиҳат-

дан устунлиққа эга бўлган фашист қўшинларининг «Шимол» армия гуруҳи Ленинград шаҳри атрофини ва Ладога кўли соҳилини ўраб олган, шаҳар мамлакат ичкарисидан ажратиб қўйилган эди.

Ленинград fronti таркибидида туртта армия ва ҳарбий авиация, Ҳаво ҳужумидан мудофеа қўшинларининг иккита корпуси ҳамда Балтика флотиди фаолият кўрсатарди. Улар зиммасида Ленинград шаҳрини қўлда сақлаб қолиш, шаҳар атрофидаги қамал халқасини бартараф этиш вазифаси турарди. Душман тинимсиз ердан ва ҳаводан шаҳарни бомбардимон қилар, тинимсиз снарядлар портларди. Миршукир тўрт йил давомида взвод командирли сифатида шаҳарни озод қилиш учун бўлиб ўтган ишдаги жангларда иштирок этди. Икки марта ярадор бўлиб, даволаниб сафга қайтди.

Иккинчи жаҳон уруши тарихида Ленинград бошмали алоҳида ўрин тутади. Одам қамали кунига 125 грамм нон бериладди. Ёши каттароқ болалар урушга кетган оталари, акалари учун ҳарбий тизимга ўтказилган қорхоналарда кеч-ю кундуз меҳнат қилишарди. Қаҳратон кишда кўчалар очликдан ўлган одамларнинг мурдалари билан тўлиб кетарди. Уларни кўмишга очликдан силласи қуриган аёллар ва болалар сафарбар қилинарди. Айниқса, болалар очлиққа дош бериши қийин эди. Уларнинг эти суюкка ёпишиб очликдан жон таслим қилишарди. Солдатлар душман бомбардимони тинган пайтларда кўчаларни мурдалардан тозалаш, ўликларни кўмиш билан шугулланишарди. 900 кунлик қамал пайтида Ленинград fronti қўшинлари, Болтик деңизи флотиди кучлари ва Ладога ҳарбий флотилияси душманнинг барча ҳужумларини қайтар-тиришди. Қамал давомида 630 мингдан кўпроқ ленинградликлар очликдан вафот этди. Миршукир бу муҳим воқеаларни ўз кўзи билан кўриб, гувоҳи бўлди. Оммавий қабрларга ўликларни кўмишгаётганидан ҳар гал дуои фотиҳа

қилишни қанда қилмас, бу болаларни даф қилишни, уйига соғ-омон қайтишни Худодан сўради.

Шаҳарни ва қўшинни таъминлаш «Ҳаёт йўли» (Ладога кўли) орқали амалга оширилар эди. 1943 йилнинг январь ойида Ладога кўлининг жанубий қирғоғи қамалдан озод қилинади. 1944 йилнинг мартда фашист қўшинлари Ленинграддан 220-280 километрга улоқтириб ташланади. Ана шу жўлда Миршукир душман снаряди осколасидан контузия бўлиб госпиталга тушади. 6 ой даволанган, тиббий комиссиянинг ногиронлик ҳулосаси билан уйига жўнатилади.

— Отам урушдан ногирон бўлиб қайтган, бу ерда ҳам анча вақт даволанган, — дейди Миршукир эди. — Уруш хали тугамаган, минглаб оиламлар, аёллар болалар билан жанг давом этаётган ҳудудлардан фронт ичкарисига эвакуация қилинарди. Ҳовлимиз Хадра ёнида, Ҳамза театрининг эски биноси орасида (ҳозирги «Пассаж» китоб савдоси дўконида) бўларди. Кейинча воялиб қовчилар бўзилиб, ўрнига қўл қаватли уйлар қурилган. Отам бир кунни вокзалдан бир хомилдор аёлни ёнида қизчаси билан уйига бошлаб келади. Аёлнинг оти Галя, қизчасининг исми Зоя экан. Улар оиласи билан фронт чизигидан Ўзбекистонга эвакуация қилинган экан. Йўлда Галянинг турмуш ўртоғи касаллик туфайли вафот эттибди.

Онам уларни ювиб-таранган, она-болаларга ҳовлимиз тўридан алоҳида уй ажратиб беришган. Охириги бир бурда нонларини бирга баҳам қўришган. Галя ҳола иккинчи қизини бизникида тўққан. Унинг исмини Луба деб қўйишган.

Отам касалликдан кейин сал уялиб олган, Тошкент педагогика институтининг тарих факультетини битириб, ўқитувчи бўлиб ишлаган. Савоб бўлади, деб никоҳ ўқиттириб, Галяни Турғунбой деган беватан кишига турмушга берган. Зоя отам ўқитувчилик қилган мактабда ўқиган. Мени жуда яхши кўрарди, ўйнатарди, овқатлантариди, қўлида кўтариб юрарди. Улар Украинанинг Чер-

кас вилояти, Чигирин деган шаҳридан эвакуация қилинган экан. Галя опа, Зоя ўзбекча гапиришни тезда ўзлаштириб олишди. Айниқса Зоя ўзбек тилида жуда бийрон гапирарди.

1954 йилда Галя опанинг қариндош-уруғлари топилиб, улар Украинага кетадиган бўлишди. Ушанда Зоянинг биздан ажралиб кетишни истамай, йиғлаганларини ҳали-ҳали эслайман. Шундан кейин улар билан қайта қўришмадик. Лекин Зоя опа билан ҳозиргача телефон орқали гаплашиб тураимиз. Ўзбек тилини унутгани йўқ, биз билан ўз она тилидай ўзбекча сўрашади, ўша отир йилларда оиламиздан қўрган меҳр-оқибатни миннатдорлик билан эслаб туради. Ҳар йили тутилган кунимизда табрик йўллайди. Бир нарсасимиздан қиймайди, уйланган кунимиз Зоя опа табрик телеграммани жўнатган экан. Даврабوشي тўйда ўша телеграммани ҳаммага ўқиб берган...

Миршукир ака пединститутни битирганидан кейин бир муддат Пискент туманида ўқитувчилик қилди. Кейин «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетаси бош муҳаррири Зиёд Есенбоев уни тахририятга ишга тақлиф қилади. Миршукир ака ана йил газетасида муҳбир бўлиб ишлади. Ўша пайтларда Чиноз туманидан Турсунной Охунова терим машинасида пахта териш ташлаб буси билан чиққан эди. Миршукир ака газетаси саҳифасида унинг фаолиятини, турсуннойчилик ҳаракатини кенг ёртади. Ўша пайтда шўро фирқаси бош котиби Леонид Брежнев минбарда Турсунной Охунованинг кўксига қаҳрамонлик олтин медалини тақибди қўйишди. Миршукир аканинг ҳам хизмати катта бўлган. Ўша даврда чоп этилган газетаси саҳифаларини арақласангиз, Миршукир Миргазмов қаламига мансуб кўпжа долзарб мавзудига мақолалар чоп этилганининг гувоҳи бўласиз.

— Отам уруш қатнашчиларига бериладиган бирорта имтиёздан фойдаланмаган, — дейди Миршукир эди. — «Урушда қанчадан-қанча одам ўлиб кетди. Кимдир қўлидан, кимдир оёғидан

Нуруллох ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

МУРОЖААТНОМА

2021 йил республикамызда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар ҳамда инфратузилма объектлари барпо этилди.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг бунёд этилиши мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида истиқлол шарофати ва халқимиз жасоратининг ёрқин намунаси бўлди. Энергетика мустақиллиги томон қўйилган бу дадил қадам аграр давлатнинг иқтисодий-қўлайлиги сари шиддатли парвози сифатида тарих саҳифаларига муҳрланди.

Узоқни кўриб, эртанги кунни ўйлаб қилинган иш хайрли бўлади. Бу ҳам ўзига хос стратегия. Завод ишга тушганидан буён ўтган йиллар ичида саҳро қўйнида азим шаҳарча вужудга келди. Шу давр мобайнида унда инфратузилма шаклланиб, инсонларнинг фаровон яшаши ва меҳнат қилиши учун қўлай шарт-шароит яратилди.

Бугунги кунда корхона нафақат мамлакатимиз, балки чет эллардаги истеъмолчи харидорларнинг ҳам юқори сифатли нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини узлуксиз қондирмоқда. Завод фаолияти натижасида республикамиз нефть мустақиллигига эришибгина қолмай, нефть ва газ, уларни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридagi ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш истиқболларини ҳам белгилаб олди.

Юртимиз иқтисодиётида ўзига хос ўрнига эга мазкур гигант корхона директори Акбар ФОЗИЛОВ билан суҳбатимиз заводнинг бугунги фаолияти ва эртанги истиқболи ҳусусида бўлди.



— Тўғрисини айтганда, сўнгги

тўрт йилда нефть-газ саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг локомотивларидан бирига айланди, — дейди "Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖ директори Акбар Фозилов. — Президентимиз ташаббуси билан мазкур соҳа ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор, яратилаётган қўлай шарт-шароитлар кўплаб замонавий мажмуа ва йирик корхоналарда бу табиий бойлиқни ўзлаштириш, уни чўқур қайта ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш имконини бермоқда. Натижада бирламчи ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган ички эҳтиёж тўлиқ таъминланиши баробарида, хомашё ҳамда маҳсулотлар экспорти мунтазам равишда ошириляпти. Саноат корхоналарига инновацион лойиҳаларни жорий этиш, мавжуд қувватларни технологик янгилаш тадбирлари изчил олиб борилаётгани эса тармоқда меҳнат самарадорлигини ошириш, тайёрланаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётди. Модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари технологик янгиланишлар кўламини янада кенгайтириб, сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтарди.

Бугун юртимизда оқилона инвестиция сиёсати юритилиб, нефть-газ саноатида жаҳон андазаларига мос, энг асосийси, энергия тежамкор

ускуналар жорий қилинмоқда. Бунга тизимдаги йирик ишлаб чиқариш субъектларидан бири ҳисобланган заводимизда амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар яққол мисолдир.

— Корхонада асосан қандай ёқилғи турлари ишлаб чиқарилади?

— Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи истеъмолчиларни стратегик муҳим ёқилғи турлари: автомобиль бензини, дизель ва авиация ёқилғиси ҳамда бошқа нефть маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш орқали мамлакатимиз ёқилғи-энергетика саноати ривожланишига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, мутахассисларимиз биринчилардан бўлиб заводда халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган сифатни бошқариш тизимини жорий этишга киришди. Қисқа вақт ичида ISO 9001: 2015 сифат менежменти тизими, ISO 45001: 2018 соғлиқни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини бошқариш тизими, AS9100D стандартидаги аэрокосмик тизим, ISO 50001: 2018 энергия тежамкорлик менежменти тизими ва ISO 14001: 2015 экологик стандарт жорий қилинди. Заводимиз юқоридаги бешта халқаро стандартнинг мувофиқлик сертификатларига эга бўлган Марказий Осиёдаги ягона корхона ҳисобланади. Заводнинг ишлаб чиқариш қуввати углеводород хомашёсини қайта ишлаш ва замонавий турдаги нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш имконини беради.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2020 йилнинг биринчи ярим йили давомида "Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖ томонидан 1056,4 минг тонна хомашё олиб келиниб, шундан 1029,9 минг тонна нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Маҳсулот сотишдан соф тушум 3349,6 миллиард сўми ташкил қилди. Шу жумладан, сотилган маҳсулот таннархи 1982,4 миллиард сўми ташкил қилди.

Мазкур муддат давомида чет эл корхоналаридан 341,9 минг тонна 130,4 миллион АҚШ доллари миқдоридagi импорт хомашё сотиб олинди. Бунинг



БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИНИНГ ҚУДРАТИ ЯНАДА ОШАДИ

учун республика тижорат банкларида 30,0 миллион АҚШ доллари миқдорида валюта кредитлари олинди. 8099,28 тонна нефть маҳсулотлари экспорт қилиниб, 2052,0 миң АҚШ доллари миқдоридagi валюта маблағлари туширилди. Давр харажатлари 295,9 миллиард, сотиш харажатлари 168,9 миллиард, шу жумладан, темир йўл харажатлари 70,2 миллиард, маъмурий хўжалик харажатлари 10,5 миллиард, бошқа операция харажатлар 116,5 миллиард сўми ташкил қилди. Солиқ ва бюджетга мажбурий тўловларга 382,4 миллиард сўм тўланди. 2020 йилдаги 6 ойлик соф фойда 374,5 миллиард сўми ташкил этди. Орта қолган йилнинг иккинчи ярмидаги рақамлар бундан-да салмоқли, албатта.

Ўз навбатида, завод Евро-5 дизель ёқилғисини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бундан ташқари, корхонани модернизация қилиш лойиҳасини амалга ошириш тезлашди. Заводни модернизация қилиш бўйича базавий лойиҳа(FEED) ни ишлаб чиқишни назарда тутувчи инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ва заводни реконструкция қилиш билан боғлиқ масалалар янгича суръат касб этди. Бунинг учун муҳандислик хизматларини курсатиш бўйича келишувларга эришилди. Маҳсулот (пропан совутгич, пиролизли газоплин)ни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босиш дастури бўйича ишлар йўлга қўйилди. Джет А-1авиация ёқилғисини ишлаб чиқаришда UzGTL маҳсулоти бўлган GTL керосинини жалб қилиш бўйича ишлар олиб

борилмоқда. Рационализаторлик ва иxtiroчилик фаолияти бўйича ишлар фаоллашди. Барча ишчи-ҳодимларнинг ойлик маошлари 1,5-2 баробар оширилди.

— Эшитишимча, яқинда заводда технологик ускуналарни профилактик таъмирлаш ишлари олиб борилади. Бу қандай натижа берди?

— Профилактик таъмирлаш технологик қурилмаларнинг ишончлилик даражасини оширади. Шунингдек, углеводород хомашёсини қайта ишлашда ускуналарнинг иқтисодий қўрсаткичларини яхшилади.

Жорий йилнинг 17 апрелидан бошлаб завод барча технологик қурилмаларни ишлаб чиқариш тартибига босқичма-босқич ўтказишни бошлади. Таъмирлаш ишлари давомида мутахассислар "Атмосфера босими остида нефть ва газ конденсатини ҳайдаш", "Умумий нафтини гидро тозалаш" ва "Каталитик реформинг" технологик қурилмаларини таъмирлашди.

Жорий таъмирлаш ишларига атмосфера босими остида ҳайдаш қурилмасидаги технологик печнинг реакция ва конвектив қувурларини гидромеханик тозалашни замонавий усулларда амалга оширувчи Россиянинг "Химмонтажналадка" (Пермь) компанияси жалб қилинди. "Умумий нафтини гидро тозалаш" технологик қурилмасида мавжуд эски турдаги катализатор Франциянинг "Axens" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган "HR-608" русумли янги турдаги катализит тизимга алмаштирилди.

Бугунги кунда Бухоро НКЎЗ маҳсулот ишлаб чиқариш ва

ижтимоий объектларни ўз ичига олган катта мажмуа ҳисобланади. Корхона томонидан нафақат ишчи-ҳодимлар, балки яқин атрофдаги аҳоли пунктларида истиқомат қилувчилар учун Нефтичилар шаҳарчаси, спорт-соғломлаштириш мажмуаси, маданият саройи, ёшлар меҳмонхонаси ва икlimни юмшатиш учун сунъий кўл барпо этилди.

Сўнгги 23 йил ичида Нефтичилар шаҳарчаси барча зарур ижтимоий инфратузилмаларга эга бўлган масканга айланди. Завод ишчилари ва уларнинг оила аъзолари учун 700 дан ортиқ замонавий коттежлар қурилди, маданий иншоотлар қуриб қўйилганига топширилди.

— Корхона ишчи-ҳодимларининг ижтимоий ҳимояси бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Корхонамизда 1 апрель ҳолатида жами 3074 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Корхона ўз ҳодимларининг соғлигини яхшилашга катта эътибор қаратмоқда. Доимий тиббий курик натижаларига кўра ва завод ҳодимларининг илтимосига биноан ҳар йили 250 нафарга яқин ишчи республиканинг турли касалхоналари ва сихатгоҳларида соғлигини яхшилади. Ўқув йили сўнггида завод ишчиларининг 1000 га яқин мактаб ёшидаги болалари "Нефтичи" ёғи соғломлаштириш оромгоҳида дам олишди. Оромгоҳда уларга кизикarli ва мазмунли ёғи таътил учун барча шароитлар яратилган.

Вилоятнинг туманларидан

қатнаб ишлаб келаётган ишчи-ҳодимлар ётоқхона билан таъминланган бўлиб, бу ерда ишчи-ҳодимлар ишдан бўш вақтларида дам олишлари учун барча қўлайликлар яратилган.

2018 йилда "UzGTL" МЧЖга мақсадли кадрлар тайёрлаш дастури бўйича вилоят туманларидан ҳамда бошқа вилоятлардан қатнаб ишлаётган стажёр ҳодимлар учун маъмурий бино таъмирланиб, барча қўлайликларга эга янги 85 ўринли ётоқхона фойдаланишга топширилган.

Шунингдек, йил давомида завод ишчи-ҳодимлари ва уларнинг оила аъзолари учун байрам тадбирлари уюштирилди. Тадбирларга таниқли санъаткорлар, санъат ва маданият ҳодимлари таклиф этилади.

Шаҳарча ҳудудидаги "Нефтичилар" маданият саройи ўзига хос маънавий-маърифий масканга айланган. Бу ерда Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббусни ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган оммавий тадбирлар ташкил этиш, ёшларимизнинг адабиёт, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китобхонлик ва турли касб-хунарларни эгаллашга бўлган қизиқишларини ошириш, мазкур йўналишлардаги имкониятларини юзага чиқариш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Шу билан бирга, заводимиз вилоятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган хайрли ишларнинг ҳам доимий ва фаол иштирокчисидир. Ҳудудлардаги кам таъминланган оилаларни, айниқса, пандемия шароитида мушкул вазиятда қолган юртдошларимизни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ёшларимизнинг имкониятларини юзага чиқаришга қўмаклашиш фаолиятимизнинг муҳим қаноти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тавсиясига кўра, "Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖ ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ўртасида "Дўстлар клуби" лойиҳаси доирасида ҳамкорлик қилиб келинаётгани ҳам ўз самарасини бермоқда. Сўнгги икки йил давомида ана шу ҳамкорлик натижасида вилоятда яшаб ижод қилаётган турли ёшдаги шоир-ёзувчиларнинг 20 га яқин китоблари завод ҳомийлигида нашр этилди, уюшма вилоят бўлими моддий-техник базаси мустаҳкамланди, маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш имкониятлари янада кенгайди. Бу имкониятлардан завод ишчи-ҳодимларининг фарзандлари ҳам

фойдаланишмоқда. Улар орасида ҳамкорликда ташкил этилаётган танлов ва маънавий-маърифий тадбирларнинг фаол иштирокчилари, голиб ва совриндорлари кўпчилигини ташкил қилади.

Корхонада ҳодимларни рағбатлантириб бориш ҳам яхши анъаналарга айланган. Ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажариб келаётган, меҳнат жамоасида обрў-эътиборга эга бўлган, ишлаб чиқариш ва молиявий-хўжалик фаолиятига ўзининг муносиб ҳиссасини

қўшаётган ҳодимлар раҳбарият томонидан фахрий ёрлик, ташаккурнома, шунингдек, қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаб келинмоқда.

Завод ишчи-ҳодимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида жамоа шартномасида бир қатор имтиёз ва касфолатлар белгиланган. Жумладан ҳодим меҳнат таътилга чиққанда сихатгоҳларга йўлланма олиш, белгиланган ёш доирасида фарзандларининг завод тасарруфидagi "Нефтичи" болалар оромгоҳида ёғи мавсумда дам олиши учун йўлланма олиш, олий ўқув юртларида (шу жумладан, чет эл) да таълим олаётган фарзандлари учун, шунингдек, оғир сурункали касалликлар ёки мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтаганда моддий ёрдам олиш каби бир қатор ижтимоий қўллаб-қувватлаш имкониятлари назарда тутилган.

— Корхона учун кадрлар тайёрлаш масаласи ва ёшлар учун яратилаётган имкониятлар ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Заводда ишлаб келаётган 846 нафар ёш ишчи-ҳодимга (30 ёшга тўлмаган) қатор имкониятлар яратилган. Нефть ва газни қайта ишлашга ихтисослашган корхонамизда республикамиздаги бир қатор олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг техникавий йўналишдаги мутахассисликлар битирувчилари ишлаб чиқариш амалиётини ўтамоқда. Жумладан, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат техника университети, И.Губкин номидаги Россия нефть ва газ университети Тошкент филиали, Бухоро муҳандислик-технология институти каби олий ўқув юртлари, шунингдек, Бухоро нефть-газ саноати коллежи битирувчилари уч томонлама шартнома асосида ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминланмоқда. Ишга қабул қилинган битирувчиларга заводда кўп йиллик иш тажрибасига эга мутахассислар устоз сифатида бириктирилган.

Таъкидлаш жоизки, гигант корхонамида эришилаётган ютуқлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бу ҳар бир иш жойида оддий ҳодимдан тортиб масъул лавозим эгасининг, мутахассисларнинг катта масъулият билан меҳнат қилаётгани туфайли, албатта. Зеро, бугунги ишлаб чиқариш жараёни ўн йил олдинги шароитлардан кескин фарқ қилади. Модернизация тадбирлари натижасида ишлаб чиқаришга янгидан-янги замонавий технологиялар жорий этилмоқда. Бу эса ишчи-ҳодимлар малакасини мунтазам ошириб боришни заруратга айлантирмоқда.

Буни яхши англаган жамоа мутахассислари, ишчи-ҳодимлар ўз билим ва қўникмаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шижоатли меҳнатлари билан юртимиз равангага, эл фаровонлигига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Бугун амалга оширилаётган ишлар эса корхона ютуқлари янада юқори бўлишига хизмат қилади.

Шахло БАҚОЕВА,
журналист.



МУРОЖААТНОМА

2021 йилда стратегик аҳамиятга эга бўлган 32 та йирик корхона ва тармоқни трансформация қилиш ишлари амалга оширилади. Банклар фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш эътиборимиз марказида бўлади.

Uzbekiston
ovozi



QISHLOQQURILISHBANK

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”
жамоаси барча юртдошларимизни
РАМАЗОН ҲАЙИТИ
билан муборакбод этади.

“Қишлоқ қурилиш банк” —
ФАРОВОН ҲАЁТИНГИЗ ХИЗМАТИДА!

www.qqb.uz 78 150 00 55 1254 Хизматлар лицензияланган.



ЕМММ

Ўзбекистон Республикаси Ахборот
технологиялари ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги
«Электромагнит мослашув маркази»
давлат унитар корхонаси жамоаси:

— **Халқимизни Рамазон ҳайити
ҳамда касбдошларимизни
Алоқачилар куну
билан муборакбод этади!**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ЗАМОНАВИЙ ИМОРАТЛАР КЎПАЯДИ

Ўзбекистонда сўнгги йилларда қурилиш соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тизимни янада такомиллаштиришга оид давлатимиз раҳбарининг фармон ҳамда қарорлари, қабул қилинган давлат дастурлари, улар ижросини таъминлаш, тармоқда ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган тadbирлар бунёдкорлик кўламлигини тобора кенгайтириб боришмоқда.

Ўтган ва жорий йилларда компанияда капитал қурилишда ҳўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш, шартнома мажбуриятларига риоя этилиши ва қурилишнинг пировард натижалари учун инвестиция жараёни қатнашчиларининг жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарори ва 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига асосан, вилоят ҳудудида марказлашган маблағлар ҳисобидан жами 103

та (45 та мактаб, 18 та соғлиқни сақлаш, 34 та мактабгача таълим муассасалари, 2 мусиқа мактаби, 1 та турли соҳа ва 3 та ичимлик сув) объектларида янги қурилиш, мукаммал қайта қуриш ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Мазкур объектларида янги қурилиш, мукаммал қайта қурилиш ва капитал таъмирлаш ишларини амалга оширишга 310,3 млрд. сўм маблағ сарф этилди.

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги “2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора тadbирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инқирозга қарши курашиш дастури тўғрисидаги 41-сонли йўғилиш баёнига асосан компания буюртмачилигида 54 та ижтимоий соҳа объектларида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш белгиланди. Жумладан, компания буюртмачилигида 38 та (6 та мактабни янгидан қуриш, 9 та соғлиқни сақлаш объектлари 2019 йилдан ўтувчи) ижтимоий соҳа ва турли соҳа объектларида қурилиш ишлари олиб борилди. Ушбу мақсадларга 145 975,2 млн.сўм маблағ ажратилган бўлиб, 2020 йилнинг 4-чорак якуни билан объектларда 145 975,2 млн.сўмлик (режага нисбатан 100%) қурилиш ишлари бажарилди. Пудратчиларга 145

975,2 млн.сўм аванс маблағи молиялаштирилди. Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инқирозга қарши курашиш дастури тўғрисидаги йўғилиш баёнига асосан компания буюртмачилигида 13 та ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ишларини амалга ошириш йўлга қўйилди. Ушбу мақсадларга 40 025,9 млн. сўм маблағ ажратилган бўлиб, 2020 йилнинг 4-чорак якуни билан объектларда 40 025,9 млн. сўмлик (режага нисбатан 83%) қурилиш ишлари ниҳоясига етказилди. 40 025,9 млн. сўм аванс маблағи молиялаштирилди.

Вилоятда ташкил этилаётган 18 та кичик саноат зоналари учун ташқи муҳандислик тармоқлари тортиш белгиланди.

Сирдарё вилоятида жойлашган «Сардоба сув омбори» тўғрисида юзага келган фавқулдда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш бўйича Мирзаобод туман, Навбахор МФИ даги 135 та уй-жойлар таъмирланиб уй эгаларига фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, маҳаллий бюджет ва бошқа манбалар ҳисобидан 2020 йилда 60 дан ортиқ объектларда қурилиш таъмирлаш ишлари поёнига етказилди. Яъни, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларини ташкил этиш, Ичимлик сув тармоқлари тортиш, Поп туманида 150 ўринли махсус шифохона ва 1200 ўринли вақтинчалик карантин сақлаш мажмуаси қуриш, “IT park” маж-




муасига қайта ихтисослаштириш, зиёратгоҳларни қайта таъмирлаш ва ҳарбий қисмларда қайта таъмирлаш ишлари олиб борилди.


Жорий йилда қурилиш соҳасини янада ислох қилиш ҳамда пудратчилар билан биргаликда замонавий лойиҳа объектлари қуриш бўйича истиқболли шартномалар тузилиб, кенг

кўламли ишларимизни давом эттирмоқдамиз.

Дилшод МАТМУСАЕВ,
Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона
буюртмачи инжиниринг компанияси
директори.



МУРОЖААТНОМА



Ҳозирги кунда республикамызда алоҳида
эътиборга муҳтож 18 ёшгача бўлган 150 минг нафар
фарзандларимиз бор.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ТЕМИР ЙЎЛЛАРДА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ жуда муҳим

Темир йўл тармоғида сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида мамлакатимиз пўлат изларининг узунлиги 7500 километрдан ошди, 50 фоиздан ортиқ темир йўл линиялари электрлаштирилди. Тармоқда жами 300 га яқин станциялар мавжуд. Мазкур станциялар орқали йилига қарийб 100 миллион тонна атрофида юк ташилади.



Айни кунда "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига қарашли 6 та минтақавий темир йўл узели мавжуд бўлиб, улар орасида энг йирикларидан бири "Тошкент минтақавий темир йўл узели" унитар корхонаси ҳисобланади.

— Узелдаги корхона ва ташкилотларда бугунги кунда жами 7636 нафар ишчи ходим фаолият юритаётган бўлса, шундан қарийб 2700 нафарини, яъни 36 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади, — дейди узел бошлиғи Ихтиёр Фармонов. — Уларни тажрибали устозларга бириктириб, ўз касбларини мукаммал ўзлаштириб олиши учун барча шарт-шароитларни яратиб бераймиз. Айни кунда узел қамровида 56 та станция ва разъезд бўлса, шундан 48 тасида юк ортилиб-туширилади. 2020 йил пандемия даврида ҳам иш жараёни тўхтагани йўқ. Рақамлар мисолида айтидиган бўлсак, ўтган йили станцияларда 1 минг 589 та вагондан юк туширилди ҳамда 27 миллион 678 минг тонна юк жўнатилди. Юк айланмаси

6 миллиард 726 миллион тонна-километрдан ошди.

Сўнгги 3 йил ичида узелга қарашли станциялар қиёфаси бутунлай ўзгарди. Замонавий мебеллар, компьютер ҳамда зарур ускуналар билан жиҳозланиб, ишчи-ҳодимларнинг фаолият олиб боришлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бу иш самарадорлигини оширишда катта аҳамият касб этмоқда.

Худуддаги асосий темир йўлларнинг узунлиги 1013 километри, станциялардаги темир йўлларнинг узунлиги 550 километрдан зиёди ташкил қилади. Мазкур пўлат излар орқали нафақат маҳаллий, балки халқаро йўналишларда юк ва йўловчи поездлар қатнови амалга оширилади. Шу боис, тажрибали ишчи-ҳодимлар пўлат излар, электр ва алоқа хўжаликлари созилигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Мирза МУРОТОВ,
Ойгул РАЗЗОҚОВА.



ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ КўП МИНТАҚАВЙ ТЕМИР ЙЎЛ ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини
Рамазон ҳайити
билан муборакбод этади!
Халқимиз тинч,
осмонимиз мусавффо бўлсин!



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС:



Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV	Qalandar ABDURAHMONOV	Hayotxon ORTIQBOYEVA
Ulug'bek VAFOYEV	Guliston ANNAQILICHEVA	Toshtemir XUDOYQULOV
Mahmud TOIR	Muslihidin MUHIDDINOV	

Qabulxona — (71)233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 541, 3050 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni —
Topshirilgan vaqti — 21:20.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchi:
Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



Газетанинг электрон sahifasiga utish uchun
QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 3 4 5 6